БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 24 август Жума

№ 160 (13.596). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Юқори синф ўқувчиларининг Бутуниттифоқ йиғини

БИЗНИ НЕГАДИР ҚАДРЛАШМАДИ...

Маълумки, яқинда «Орлёнок» ўсмирлар лагерида юқори синф ўқувчиларининг Бутуниттифоқ йиғини ниҳоясига етди. Рўзномалар СССР Президентининг Йиғин қатнашчиларига хатини эълон қилди. Бу ҳақда матбуот қатор хабарлар берди.

Бироқ кўп тарғиб қилинган тадбир аввалги йиллардагига қараганда жуда паст савияда ўтди. Буни Йиғин иштирокчилари шундай шарҳлайдилар:

Дилфуза ҒАФУРОВА (Наманган): Йиғинга ташкилий жиҳатдан бўш ҳозирлик кўрилган. Барча ишлар беш босқичда ўтди. Уларни 5=Р деб аташибди.

Р=1 мутлақо барча таклифлар қабул қилинади. Р=2, Р=3: улар мажлис ва муҳокамалар жараёнида кўриб чиқилади: Р=4: энг яхши таклиф «модели» қолдирилади. Р=5: улар йиғиннинг катта экспертлар кенгаши томонидан кўриб чиқилади. Ва бу таклифларнинг муаллифлари ушбу кенгашнинг муаллифлик гувоҳномасига тақдим этиладилар. Биз эса 4 кун кеч қолдик ва фақат Р=3 га улгурдик.

Ғулмира БОЗОРОВА (Наманган): Ваҳоланки бизнинг делегация Ўрта Осиё жумҳуриятлари орасида биринчи бўлиб етиб келди. Қолган делегациялар беш ва ҳатто олти кун(!) кечикишди.

Света ВАРЛОКОВА (Наманган): Таклиф муҳокамага қабул қилиниши учун тегишли лабораторияга кириш лозим (лаборатория, бу қандайдир муаммо билан шуғулланувчи «идора» — М. И.). Масалан, ўсмирлар ҳуқуқини муҳофаза қилувчи лаборатория, ёки бўлмаса, қишлоқ ёшлари муаммолари бўйича лаборатория.

Ботир ҚАЮМОВ (Шаҳрихон): Менинг назаримда, шундай бўлишига комсомол Марказқўми ташкилотчилари айбдордирлар. Улар ушбу тадбир муддатлари ҳақида ярим йил муқаддам хабардор бўлишларига қарамай, ўз вақтида билетлар олиб қўймадилар, натижада биз бир кеча Адлер шаҳри вокзали ўриндиқларида ўтириб чиқишга мажбур бўлдик, кечикканимиз учун бизнинг таклифларимизни амалда қабул қилишмади ҳам.

Женя ЮРТАЕВ (Наманган): Дарвоқе, худди шу сабаб туфайли бизнинг жумҳуриятимиз вакили делегатлар Палатасидан жой ололмади. Мана, масалан, Татаристон АССР делегацияси Йиғиндан бир ой илгари таклифлар устида иш олиб борган, биз эса айтиш мумкинки, каерга ва нима учун боришимизни ҳам умуман билмас эдик. Тошкентдами, Москвадами, қандайдир слёт бўлади, деб айтишганди бизга.

Дима СКРИЛЬНИКОВ (Ленинск шаҳри): Мен эса, масалан, Йиғинда молиявий таъминот масалалари бўйича лаборатория мудири бўлиб ишладим. Бизга мутахассислардан истаган маслаҳатни олишингиз мумкин, деб ваъда қилишганди. Аммо қарангки, «Орлёнок»ка келган барча ҳуқуқшунослар ва иқтисодчилар Йиғиннинг иккинчи кунинёқ жўнаб кетишибди.

Оля КОЧКАРЕВА (Наманган): Мана, Виноградов Юрий Иванович (Йиғин «бошлиғи», психолог олим — М. И.) КомПРЕСС рўзномаси (лагернинг кўпнусхали рўзномаси)га ўз жавобида «кўплаб турли аҳмоқона ишлар бўлади» деган эди. Дарҳақиқат, бемаъниликлар кўп бўлди: маълумотлар кам, компьютерга эса яқин йўлаш қийин, СССР халқ таълими Давлат Қўмитаси раиси Г. Ягодин билан учрашувни 14.00 га белгилашди, кейин уни 16.00 га кўчиришди, охири барибир учрашув 14.00 да ўтказилди. Мандатларни бизга жўнашимиз олдидан топширишди. Бундан ташқари маҳаллий ёшлар кўп халал беришди: йўл устида туриб олиб «обдан сўраб-суриштиришади», иш таклиф қилсангиз, худди совет гастрономидан чиқиб келган америкаликдай қараш қилишади.

— Ўзи бирор нарса сизларга ёқдими!

Феруза ФАЗЛИТДИНОВА (Наманган вилояти, Поп шаҳри): Менга ёққани шу бўлдики, барча делегатларга тўла эркинлик берилди. Хоҳла — ишла, хоҳла — дам ол (аксарият шундай қилди). Яна бир нарса, маҳаллий нашрларнинг эркин эканлиги бизни қойил қолдирди — эркин нашрларнинг лагеримизда ўтказилган савдосидан тушган 144 сўм 40 тийин Калининградда ўтказиладиган ёшлар матбуотининг фестивалини қўллаб-қувватлаш ва ўтказиш учун сарфланади.

Қизиқишлар бўйича мактабларнинг жуда яхши ишлаганини қайд этиш лозим. Бундай мактаблар бу ерда қарийб 40 та эди (тўғри, спорт мактаби ишламади). Айниқса, бу ерга буюртма берилган кийимда, ўз байроқлари ва визиткалари билан келган Болтиқбўйи жумҳуриятлари делегацияси ҳавас уйғотди.

Бизга эксперт кенгаши томонидан тасдиқланган таклифларнинг барчасини почта орқали юборишга ваъда қилишди. Аммо шундай бўлади, деб умидвор бўлиш ҳам қийин.

Болаларнинг фикри, ҳар қалай шундай. Бироқ кўпчилик «Йиғин ўйин сифатида ўйлаб топилганди, лекин биз жиддий ишладик, фақат бизни қадрлашмади», деб хафа бўлмоқда.

Энди эса, «куйга буюртма берган»ларнинг фикрини эшитиб кўринг. «КомПРЕСС» мухбири БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг ёшлар таълими бўлим мудири Ю. Тихомиров билан суҳбатлашди:

— Йиғин бу йил олдиндан ўйлангандек ўтмади. Ташкилотчилар ва делегациялар ўртасидаги зиддиятлар Йиғин иштирокчиларига руҳан таъсир этди. Гарчанд болалар финалда яхши ишлаган ва ҳатто «БЛКЁИ МҚ ҳузуридаги» деган сўзларсиз ўқувчи ёшлар уюшмасини тузиш истаги тўғрисида декларацияни ишлаб чиққан бўлсалар ҳам. Бу нарсаларни уларнинг ўзлари қилишди, мен уларга маслаҳатлар бериб турдим, холос.

Ишга нималар тўсқинлик қилди! Жойларда ёмон тайёргарлик кўрилган, 170 киши ноҳия, мактаб комсомол конференциялари «элаги»дан ўтмаган, шунинг учун мандат комиссияси уларнинг ваколатини тасдиқламади, улар маслаҳат овозигагина эга бўлдилар. Болалар уй-уйларга тарқалиб, ишга киришиб кетадилар, деган ишонч йўқ менда. Бунга жойлардаги кўплаб масъулиятсиз ташкилотчилар айбдордирлар.

Хўш, болаларимизнинг уч кун оч қолганлари, вокзал ўриндиқларини дайдилардан «ижара»га олиб туришга мажбур бўлганлари, ташкилотчиларнинг сўзига қараганда бепул бўлган тадбирга болалар ўз киссаларидан 90 сўмгача пул тўлаганликларига ким айбдор?

«Орлёнок»нинг ўзида содир этилган бошбошдоқликлар ташкилотчилар виждонига ҳавола. Бизни бошқа нарса — нима учун Ўзбекистон делегацияси «Орлёнок»ка тўрт кун кечикиб, ҳеч бир тайёргарликсиз борди экан, деган саволга жавоб қизиқтиради. Мамлакатимизнинг барча юқори синф ўқувчилари кўз ўнгида жумҳуриятимизнинг ноқулай аҳволда намоён бўлишига кимлар айбдор? Бунинг учун кимлар уялиши керак?

Мурод ИБРОҲИМОВ.

«Обуна—91»

Таҳририят қандай қилиб комсомолдан чиқарилди

Аъзолик бадалларини тўламаганликлари учун Карелиянинг «Комсомолец» рўзномасининг барча журналистлари БЛКЁИ сафидан чиқарилди.

Бу воқеага жумҳурият комсомолининг етакчи раҳбарлари қандай қарашмоқда? Рўзнома ходимлари шу муносабат билан қуйидаги фикрларни билдирмоқдалар: аппаратчилар рўзномада ҳеч нима юз бермагандай ўзларини билмасликка олишлари, рўзнома таҳририят жамоасининг ишдан бўшатиб, бошқа жамоа ташкил этишлари ёки рўзномани ёшлар нашри қилиб, уни Карелия МШСЖ Олий Шўросига топшириши мумкин. Ҳозиргача мухтор жумҳуриятдаги энг оммавий нашр тақдири ҳақидаги масала тўла ҳал этилгани йўқ.

Журналистлар ҳам тинч ўтиришгани йўқ

Камчаткадаги вилоят ва шаҳар рўзномалари маҳкамаларнинг буйруқбозлигига қарши кураш олиб бориш учун муҳаррирлардан иборат ташкилот тузишди. Бу ташкилотга «Народний депутат» рўзномасининг муҳаррири, вилоят Шўроси депутати Г. Субботин раҳбарлик қилмоқда. Яқинда ташкилотнинг махсус қарори билан текширув гуруҳи тузилди. У маҳаллий матбуот нашрларини тарқатиш учун вилоят алоқа бошқармаси ва «Союзпечать»нинг ҳақиқий сарф-харажатини аниқлайди. Уларнинг пухта ўрганиб чиқарилган аниқ хулосасидан сўнг нашрларни тарқатиш тақдири «Союзпечать» амалга оширадиган ишларни ўз зиммасига оладиган хусусий жамоа корхонасига топширилади. Эндиликда рўзномаларни тарқатиш унчалик муаммо эмаслиги маълум бўлиб қолди. Бизнинг жумҳуриятда ҳам бу соҳада ибратли тажрибаларни қўллаш пайти келди.

Қайси нашр арзон-у, қайсиси қиммат?

Ёшлар матбуоти ичида ҳафтасига олти марта чиқадиган «Комсомольская правда» рўзномаси (обуна баҳоси 13 сўм 80 тийин) Иттифоқ нашрлари орасида энг арзони ҳисобланади. Энг қимматти эса ҳафтасига уч марта чиқадиган Латвиянинг «Советская молодежь» рўзномасидир. Унинг жумҳуриятдан ташқаридаги муштарийлар учун, бир йиллик обуна баҳоси 34 сўм 6 тийиндир.

«Ёш ленинчи» рўзномаси эса келгуси йилдан бошлаб ҳафтасига тўрт марта нашр этилиши кўзда тутилмоқда. Обуна баҳоси 12 сўм. Бундан ташқари рўзномага илова тарзда ярим ойлик нашр чиқариш ҳам мўлжалланмоқда.

ДЕҲҚОНЛАР УЮШМАСИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Жумҳуриятимизда янги мустақил жамоат ташкилоти — Деҳқонлар уюшмаси тузилди. 22 август куни Тошкентда унинг таъсис қурултойи бўлди. Қурултой ишида жумҳурият жамоа хўжалиги ва давлат хўжаликлари, ижара ва фермер хўжаликларининг, вазирликлар ва идораларнинг, деҳқончилик-саноат комплекси корхоналари ва ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Қурултой Деҳқонлар уюшмасининг Низомини қабул қилди, унда уюшманинг амалга оширадиган ишлари ҳамда вазифалари белгилаб берилган. Қишлоқ хўжалигида туб ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириш ва унинг устунлигини таъминлаш, деҳқончиликни маънавий жиҳатдан тиклаш мақсадида оммавий жамоатчилик ҳаракатини вужудга келтириш ана шу уюшманинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Уюшма давлат идоралари, хўжалик, жамоат ва ширкат ташкилотларида ўз аъзолари номидан қатнашади ҳамда уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади, хўжалик мулки ва хўжалик юритишнинг ранг-баранг шакллари тенг ва эркин ривожланишига, деҳқон ер ва ундан олинаётган маҳсулотнинг соҳиби сифатида қарор топишига кўмаклашади.

Қурултой делегатлари жумҳуриятимиз деҳқончилик-саноат комплексининг барча меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилдилар. Унда қишлоқ хўжалигининг ҳозирги аҳволидан ташвишланиш ҳамда тўпланиб қолган муаммоларни тезда бартараф этиш зарурлиги айтилади.

Қурултойда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби А. И. Икромов, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи муовини И. Ҳ. Жўрабеков сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).





Кўз тегмасин. Она табиатнинг бу йилги инъомлари чакки эмас. Ҳозир энг қайноқ ҳаёт — далаларда. Миришкор деҳқоннинг қўли қўлига тегмайди. Ҳосил етилди. Истасанг ўн кунда ҳаммасини ўриб-йиғиб ол. Истамасанг...

Тайёр ризқ-рўзни ким ҳам истамайди дейсиз. Маккажўхорилар ичра келин-куёвдек «қўлтиқлашиб» кетаётган тракторларга қаранг. Бирибирисиз — кемтик. Умуман, ҳаётда ҳамма нарса бири бири билан боғлиқ. Масалан, трактор нособми, деҳқоннинг бири икки бўлмайди. Шу ўринда бир гап. Ғалла, маккажўхори ўрадиган комбайнларнинг ҳаммаси ҳам созловдан яхши чиқарилмаётганлиги учун айрим жойларда ҳосил нобуд бўляпти, одамлар, юк ташувчи тракторлар ишсиз туриб қолишаяпти.

Аммо бу гаплар сиз суратда кўриб турган тасвирларга тааллуқли эмас. Бу суратлар Гулистон ноҳиясидаги «Қизил тонг» жамоа хўжалигининг Худойберди Ўтаев етакчилик қилаётган бригада даласида олинган. Жамоа аъзолари 33 гектар майдондан 50 центнердан маккажўхори дони етиштиришга аҳд қилишган.

Суратда кўриб турганингиз — аскар йигит эмас. У «Қизил тонг»нинг энг ёш механизатори Шуҳрат Гулмуродов. Шуҳрат бу йил механизаторлар тайёрлаш билим юртини битирди. Битирди-ю оёғини қўлига олиб далага югурди. Ишидан ўзи ҳам бошқалар ҳам мамнун. Яна нима керак одамга?

Суратлар муаллифи Еркабой БОТИРОВ.

Қутлаймиз!



«Ёш ленинчи» муштарийлари таниқли журналист, рўзнома бўлим мудири Сафар Остоновни яхши биладилар. Унинг спорт ҳамда ҳуқуқ-тартибот мавзуига оид кўплаб ўткир ва қизиқарли публицистик мақолалари, очеркларини ўқигансиз. Ана шу туркум мақолалари учун Тошкент вилоятк Ленин комсомоли ҳамда Ўзбекистон ССР Журналистлар уюшмаси мукофотлари лауреатлигига сазовор бўлган. Кеча жумҳурият Давлат физкультура ва спорт қўмитаси коллегияси қарори билан у «Ўзбекистон физкультурачиси» ва «Физкультурник Узбекистана» рўзномаларининг муҳаррири лавозимига тайинланди.

Ҳамкасбимизни масъулиятли лавозим билан қутлаймиз.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» рўзномаси ходимлари.

Шу сонга хабар

Деҳқонларни муҳофаза этиб

● **НУКУС** шаҳрида ташкил қилинган Қорақалпоғистон АССР деҳқонлар уюшмасининг вазифаси ўз ерида ишловчи деҳқонларни, ижарачиларни ва ширкатчиларни маъмурий зуғумдан муҳофаза этишдан иборатдир.

Ташкилий конференцияда ижарачи ва пудратчи жамоалардан юборилган юздан зиёд делегат қатнашди. Улар уюшма уставини ҳамда низомини қабул қилдилар. Янги кўнгилли жамоат ташкилоти шу ҳужжатлар асосида иш олиб боради.

Товламачиларга сабоқ

ТУЛА вилоятидаги Шчекино шаҳрида яшовчи К. исмли шахс уникига келиб, дарҳол ўн минг сўм топиб беришни талаб қилган уч товламачини ов милтиғидан отиб ташлади. Милтиқ нишонни аниқ олди — учала жиноятчи ўлдирилди.

Ҳодиса вилоят жамоатчилигини жунбушга келтирди, кишилар кўнглида наҳотки милиция шунчалик ожизки, одамларнинг ўзлари қўлга қурол олишларига тўғри келса, деган саволни уйғотди. Вилоят прокуратураси ўтказган тергов қуйидагиларни аниқлади: воқеа жуда тез рўй берган, К. ёрдам сўраб милицияга мурожаат қилиши учун фурсат бўлмаган ва у ўз хатти-ҳаракатларида зарур мудофаа чегарасидан ташқари чиқмаган. Жиноят таркиби йўқлиги сабабли унга қарши қўзғатилган жиноий иш тўхтатилди.

Янги мактабда ўқишади

● **БОҒОТ** ноҳиясидаги Димитров номли жамоа хўжалигида янги ўқув йили бошланиши арафасида 520 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб фойдаланишга топширилди. Мактаб янги лойиҳа асосида қурилган бўлиб, у колхозчилар фарзандларига уйғун ривожланиш имконини берувчи бинолар ва иншоотлар комплексидан иборатдир.

Кенг, ёруғ синфлар ва кабинетлар, спорт ва мажлислар заллари, спорт майдончалари, ошхона, кутубхона ўқувчиларга барча қулайликларни яратади.

Хўжаликда янги мактаб ишга туширилганидан кейин ўқувчилар фақат биринчи сменада ўқишади.

Ёнғин уч кун авжига чиқди

Чирчиқ ўрмон хўжалигининг ходимлари Бўстонлиқ ноҳияси ўрмон қўриқлаш хизмати ходимлари ва аҳолининг фаол ёрдамида учинчи кунигина Угам дарёси атрофидаги жуда катта ўрмонзорни қамраб олган ёнғиннинг сўнгги манбаларини тугатишга муваффақ бўлдилар. Шанба куни бошланган ёнғин юз гектардан ортиқ майдондаги мевали дарахтзорлар ва бутазорларда авжига чиқди. Етган зарар юз минглаб сўмни ташкил этади. Мутахассисларнинг фикрича, ўчирилмаган папирос қолдиғи ёки гулхан қолдиғи ёнғинга сабаб бўлган.

— Бунчалик катта ёнғин бизда аллақачондан бери бўлмаган эди, — дейди ўрмонларни ёнғиндан муҳофаза қилиш Тошкент оператив авиа бўлимининг бошлиғи Н. Жонхўжаев. — Бугунга келиб, Бўстонлиқ ноҳияси бу жиҳатдан энг хавфли зона бўлиб қолди. Мазкур ноҳия хўжаликларининг ўзидагина бир йилда юздан ортиқ ёнғин юз бермоқда. Дам олиш кунлари бу ерга 250—300 минггача киши келади. Ёнғинга нисбатан совуққонлик ва эҳтиётсизлик фожиага сабаб бўлди.

Зуҳро сайёрасинингувратлари

Сан-Франциско. (СИТА). Американинг сайёралараро «Магеллан» станцияси Зуҳро сайёраси устки қатламини биринчи марта суратга олди ва уни ерга юборди. Бу суратлар Зуҳро сайёрасининг манзараси кўп жиҳатдан ерникига ўхшашлигини кўрсатди. Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси (НАСА)нинг реактив ҳаракатлар лабораторияси Пасадина (Калифорния штати)да тақдим этган суратлардан Венера юзасидаги вулқонлар, водийлар, тоғлар, емирилишлар — кучли зилзилаларнинг оқибатлари яққол кўриниб турибди.

Олимлар Зуҳро сайёрасидан олинаётган жуда кўп суратлар ва ахборотлар кўп жиҳатдан ерникига ўхшашлигини, у сайёрамизда рўй бераётган баъзи жуда катта жараёнларнинг, жумладан, «сунъий иссиқликнинг» истиқболини аниқлашга имкон беради, деб ўйлашмоқда. Зуҳра сайёраси ҳамма ерда рўй берган иссиқлик давридан ўтиб бўлди деб ҳисоблашмоқда.

Бироқ, орадан бир неча соат ўтгач, Пасадинада журналистлар билан учрашувдан сўнг НАСА кейинги беш йил ичида «Магеллан» билан иккинчи марта радио алоқасини йўқотиб қўйганлиги маълум бўлди.

Америка телекомпаниялари «Магеллан»даги бундай носозликлар Зуҳро сайёрасини ўрганиш режаларинигина эмас, айни вақтда «Шаттл» хилидаги кемаларда ва «Хаббл» космик телескопида кейинги ойларда муттасил равишда техникавий носозликларга дуч келаётган бутун Америка космик дастурининг обрўсини ҳам хавф остида қолдиришини таъкидламоқдалар.

Шу сонга хабар

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси талабалар отрядлари ҳамда ўқувчилар меҳнат бирлашмалари жумҳурият штаби саҳифаси

БУНЁДКОР ТАЛАБА

№ 8 (171)

Қувасойда фестиваль



Фестиваль очилиши арафасида Фарғона вилояти талабалар отрядлари штаби бошлиғини суҳбатга тортдик.

— 2500 нафар талаба ва ўқувчиларни ўз сафига бирлаштирган бир нечта отрядлар 7 минг тонна мева ва сабзавот териб топширдилар, — дейди Қобилжон Иминов. — 10 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Зарбдор кунлардан тушган 12 минг сўм турли жамғармаларга ўтказилди.

— Меҳнат таътили бошланиши арафасида штабимиз қатор қийинчиликларга дуч келди, — дея суҳбатни давом эттиради Қобилжон. — Талабалар отрядларини ташкил қилиш ва уларни жойларга юборишнинг ўзиёқ биз учун дастлабки ва энг қийин муаммолардан бўлди. Вилоят талабалар отрядлари штабининг фаолиятига шубҳа билан қаралди, унинг мутасаддиларига ишончсизлик билдирилди. Натижада аньанага айланиб қолган меҳнат таътили штаб учун машаққатли довонга айланди. Шунга қарамасдан, 2500 нафар талабалардан иборат отряд вилоятимизнинг турли хўжаликларида ва Астрахань вилоятида жўнаб кетди.

Астрахань вилоятининг талабаларимиз ёрдамига муҳтожлиги вилоятимиз раҳбарларига ҳам маълум эди. Бироқ фирқа қўмитасининг талабалар отрядлари ишига билиб-билмай ёндошуви режалаштирилган ишга путур етказди. Натижада масъулиятнинг асосий қисми яна штаб зиммасига тушди, жуда катта тортишув ва қийинчиликлардан сўнг 1000 киши ўрнига бор-йўғи 255 нафар талабаларни Астрахань вилоятига кўнгилли равишда жўнатишга эришдик.

Штаб командирининг айтишича, Астраханга юборилмаган отрядларни ташкил этишда улар вилоятимиздаги йирик ўқув даргоҳларидан бири — Фарғона давлат педагогика институтига кўз тикишган экан. Бироқ институт ректори ва фирқа қўмитасининг қатъий рад жавоби туфайли сўнгги умид ҳам пучга чиқди. Ҳатто институт раҳбарияти вилоятдаги талабаларнинг ёрдами нақадар зарур бўлган жойларга, хўжаликларга ҳам талабаларни юборишга қаршилик кўрсатишди. Институтдан Қувасой шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигига 100 нафар, Максим Горький номли давлат хўжалигига 50 нафар талаба юборилиши лозим эди. Лекин минг афсуски, ёзги таътилни меҳнат қилиб ўтказмоқчи бўлган талабаларнинг мақсадлари амалга ошмади.

Биз комсомолнинг қўли калта, деган таъналарни тез-тез эшитамиз. Лекин кўпинча эркин, мустақил ишлашга имкон йўқлиги сабабли ишлар бошлаган қатор яхши ташаббуслар бўғилаётганини, чала қолаётганини унутиб қўямиз. Юқоридаги мисол бунинг ёрқин далилидир. Талаба ўқишдан бўш вақтида мева-сабзавот йиғим-теримида ёки бирор қурилишда қатнашиб, ўзини моддий жиҳатдан таъминлашни ихтиёр этса, бунинг нимаси ёмон?

Биз фестивалда иштирок этаётган энг илғор отрядлардан бири ҳисобланган Қўқон тиббиёт билим юртининг «Шифокор» отряди командири Абдумажид Имомов билан суҳбатлашдик, уларнинг бу бораддаги фикрлари билан қизиқдик.



— 1300 тонна мева ва сабзавот тердик, зарбдор кунларда вилоят талабалар отрядлари оталиқ ишлари ва тадбирлар жамғармасига 1000 сўмдан ортиқ пул ўтказдик. Раъно Саримсоқова, Ҳалима Топволдиева, Мавлуда Каримова, Дилшода Носирова, Гўзал Каримова каби отрядимиз қизлари кунига 150—200 килограммгача етказиб мева тердилар.

Марғилон план-иқтисод техникумининг «Программист-90» отряди Қувасой шаҳридаги Максим Горький номли давлат хўжалигида меҳнат қилди.

— Отрядимизнинг барча аъзолари ҳам бирдек меҳнат қилишди. Яхши ишлагандан кейин яхши дам ҳам олиш керак-да! — деди отряд аъзоси Мадамин Юнусов, — бугунги фестиваль биз учун ҳақиқий байрамга айланди. Менга, айниқса, агитбригадаларнинг чиқиши ва «Талабалар отрядлари гўзали» конкурси ниҳоятда маъқул келди. Конкурс ҳакамлари қизларнинг фақат ташқи чиройига эмас, биринчи навбатда уларнинг зийраклиги, ақлига, чаққонлигига баҳо берганлиги бизни хурсанд қилди.

Фестивалда иштирок этган Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг талабалар отрядлари жумҳурият штаби шўъбасининг мудири Усмон Тўлаганов ҳам фестиваль ҳақидаги фикрларини билдирди. Бу фестиваль биринчи навбатда дўстлик учрашуви бўлди. Шунингдек, ҳар бир отряд бу фестивалга ўз рўзномаси, сиёсий плакатлари билан келдилар. Турли кўриклар ўтказилди. Фестивалда Фарғона ёшларининг санъатсеварлиги яна бир карра намоён бўлди.


Штаб томонидан ғолибларга иттифоқимизнинг турли шаҳарларига бепул йўлланмалар берилди.

Дарвоқе, бу фестиваль Қувасой шаҳрининг «Цементник» стадиони, В. И. Ленин майдони ва истироҳат боғига кўрк берибгина қолмай, талаба ва ўқувчиларнинг, Қувасой шаҳрининг юзлаб аҳолисининг руҳини, кайфиятини кўтарди. Улар биргаликда фестивалнинг барча турлари бўйича ғолибларни ва айниқса, «Талабалар отрядлари гўзали» беллашувининг ғолиби, Қўқон тиббиёт билим юртининг «Шифокор—90» отряди аъзоси Гўзалхон Каримовани чин кўнгилдан олқишлаб қолишди. Фестиваль барчага қувонч, куч-қувват, табассум ато этди.

Суҳбатимизга яна Қобилжон Иминовни таклиф этдик, фестивални ўтказишдаги муаммолар, келгусидаги режалар тўғрисида сўрадик:

— Тадбирни тайёрлашдаги муаммоларни-ку, қўя турайлик. Лекин кеча фестиваль ўтказилишидан бир кун олдинги машмаша ҳаммасидан ўтиб тушди. Марғилон тиббиёт билим юрти талабалари меҳнат қилаётган Фарғона шаҳрининг Ленин номли давлат хўжалиги директори (Исроилов Д.) дан битта автобус топиб, талабаларни байрамга юборишни илтимос қилдик. Ёз бўйи хўжалик аъзоларининг оғирини енгил қилган талабаларнинг бир кун дам олиши ҳам бу раҳбар учун кўп кўринди шекилли, қаршилик кўрсатди. Бирорта ҳам талаба Қувасойга, фестивалга бормайди, деди. Ноилож ўзимиз автобус топиб талабаларни фестивалга олиб келдик.

Яна мени бир нарса қийнайди. Қачонгача хўжалик раҳбарлари талабаларга арзон ишчи кучи сифатида қарашади? Шунингдек, улар талабаларга ҳақ тўлашни ҳам ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Ахир ёзда дам олиш ўрнига меҳнат қилишга отланган талаба учун иқтисод биринчи навбатда туради. Буларни айтишимдан мақсадим кимнидир танқид қилиш, кимгадир ақл ўргатиш эмас, балки муаммонинг ечилишини биргалашиб топишга, бугунги хатоларни эртага такрорламасликка ундашдан иборат.



Фестивалда вилоят фирқа қўмитасининг котиби М. Қорабоев ҳамда вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби А. Орзиматовлар иштирок этдилар.

Дилором МАЪМУРОВА.

СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар.

Хизмат сафари ҳисоботидан олинган сатрлар

Ютуқлар бор, афсуски, йўқотишлар ҳам

Хабаровск ўлкасида жумҳуриятимиз олий ўқув юртларининг 5 та талабалар отряди фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Тошкент политехника институтининг «Алгоритм» талабалар отряди ўзига хос ўринга эга. Отряд ўз сафига 59 талабани бирлаштирган. Мазкур жамоа аъзолари шу йилнинг 10 июлидан буён Хабаровск ноҳиясида темир йўлларни таъмирлашда кўмаклашишяпти. Темир йўлнинг 6-йўл қисмида иш олиб бораётган талабаларга Фахриддин Менглиев етакчилик қилмоқда.

— 30 августга қадар шартномадаги 300 минг сўм ҳажмдаги ишларни уддалаш ниятидамиз, — дейди отряд командири Фахриддин Менглиев. — Бироқ бу биз учун чегара эмас. Отрядимиздаги болалар биринчи йил меҳнат таътилини чекка ўлкаларда ўтаётгани йўқ. Бу борада тажрибамиз етарли.

Фахриддиннинг гапларида жон бор. Ўтган йили мазкур жамоа Хабаровск ўлкаси бўйича бошқа жумҳуриятлардан келган отрядлар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган. Жорий йилда ҳам ишлар ёмон кетмаяпти. Темирйўлчилар талабаларнинг ёрдамидан мамнун. Ташкилот бош муҳандиси Пётр Михайлович Курняков бир неча бор уларга миннатдорчилик билдирди.

Шу институтнинг яна бир отряди — «Электрон» сафида 18 киши бор. Улар Бикинскдаги ихтисослашган механизациялашган кўчма колонна ихтиёридалар. У ерда боғча қурилиши бормоқда. Талабалар қурувчиларга баҳоли қудрат кўмаклашишяпти. Бетон қуйиш, ғишт териш, қазиш, кавлаш ишларида талабаларнинг уқуви яхши. Шу билан бирга жумҳуриятимиз вакиллари Хитой ва Вьетнамдан келиб ишлаётган қурувчилар билан елкама-елка туриб меҳнат қилишмоқда. Иш ҳам, дам олиш ҳам рисоладагидек. Ушбу сатрлар рўзнома юзини кўрганида кичик жамоа аъзолари Узоқ Шарқ бўйлаб саёҳатга чиққан бўладилар.

Тошкент Давлат педагогика институтининг «Лазер» талабалар отряди Хабаровскдаги Тунгусск гўшт комбинати қурилишида ишлаяпти. 20 талаба орасида уч нафар қиз бола ҳам бор. Бўлғуси педагоглар 100 минг сўмлик қурилиш — монтаж ишларини бажаришга аҳд қилганлар. Бетон қуйиш, ғишт териш — талабаларнинг кундалик иши. Йигит-қизлар барча шарт-шароитлари муҳайё этилган ётоқхонада истиқомат қилишди. Айни кунларда улар қадрдон жумҳуриятлари, меҳрибон ота-оналари бағрига қайтишган.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Оазис» талабалар отряди Амур вилоятида фаолият кўрсатаётган 11 отряднинг бири. Отряд таътил давомида бор-йўғи 12 минг сўм ҳажмдаги ишларни бажарди. Талабаларнинг ҳар бири ўртача 200 сўмдан пул олишди. Тўғри, бу пул билан мақтаниш қийин. Аммо ёшлар мураккаб бетон ишларини бажаришда қийналиб қолдилар. Ҳарчанд ҳаракат қилсалар-да, малака, тажриба етишмади. «Амурагропромстрой»га қарашли 2-ихтисослашган механизациялашган кўчма колонна объектларида ишлаган отряд аъзоларига вилоят талабалар штаби озиқ-овқатга сарф бўлган пулларини ёнидан тўлади. Амур вилояти ижроқўми эса махсус қарор билан талабалар отрядлари аъзоларини даромад солиғидан озод этди.

Политехника институтининг «Амур» отряди сафига 15 талаба бирлашган. Улар меҳнат таътили давомида 85 минг сўмлик иш бажаришлари кўзда тутилган. Амур вилоятининг Свободний шаҳридаги — 1-қурилиш-монтаж трести 5-қурилиш бошқармаси объектларида ишлаётган талабалар меҳнатидан қурувчилар беҳад мамнун бўлишмоқда. Отряддагилар сентябрнинг биринчи кунларида ҳам ишлашга хоҳиш билдирганлар. Озиқ-овқат масалалари ҳал қилинган. Текин. Даромад солиғи олинмайди.

Биз отряд аъзолари билан учрашганимизда «Ота-онаfinally рimизга, қариндошларга рўзнома орқали маълум қилсанглар, биздан хавотир олишмасин» дейишди.

«Энергетик» отряди ҳам Тошкент политехника институтидан. Уларни Благовешенск ноҳиясида (2-қурилиш-монтаж тресті, 3-қурилиш бошқармаси) имконият даражасида кутиб ололмади. Шартнома келишилганидек бўлмади. Натижада, шартнома бузилди. Янгиси 88 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришни тақозо этарди. Бунинг устига талабаларнинг мутахассислик бўйича ишни олиб боролмаслиги панд берди.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтининг «Аланга» отряди ҳам ўз ишлари билан мақтанолмайди. Улар 21 киши. Иш бошланишининг биринчи ҳафтасидаёқ, пала-партишлик бошланди. 6 «мард» орқага ҳам қайтди. Тан олиш керак, талабалар отрядлари ишида кўпгина хатолар бўлди. Бу бугун янада ёрқинроқ кўринмоқда. 3 отряднинг бири шартномада кўрсатилган ҳажмдаги ишни бажаролмади. Бунинг бош сабаби, талабаларда мутахассислик ўқувининг йўқлигидир. Амур вилоятига 91 киши, Хабаровск ўлкасига 41 талабанинг бормай қолгани ҳам шартноманинг тўла бажарилмаслигига олиб келди.

Тошкент тиббиёт институтининг «Ўзбекистон» отряди яхши кутиб олинмади. Бўлғуси шифокорлар Варваровка посёлкасидаги Ерковец кўмир разрези қурилишида ишлаши керак эди. Бироқ, ният амалга ошмади. ТошМИнинг 2 отряди шартномани қайта имзолашга мажбур бўлишди.

Меҳнат таътилига пухта тайёргарлик кўрилмагани ҳам панд берди. Отряд мутасаддилари ўз вазифаларини мукаммал эгаллаб олишмаганлиги умумишимизга тўсиқ бўлаётир. Янгилик учун интилиш, ижодкорликнинг йўқлиги ишни орқага тортмоқда. Отрядларда умумсиёсий ишлар олиб борилмаяпти.

Келгусида йўл қўйилган нуқсонлар такрорланмаслиги зарур. Талабалар отрядлари жумҳурият штаби ушбу йўналишда барча куч ва имкониятларини ишга солади.

А. КОСТИН.

Талабалар отрядлари жумҳурият штаби командири ўринбосари.

ИШЛАР ЧАККИМАС



Талабалар отрядлари жумҳурият штаби йўриқчиси Раис Ҳуснутдинов навбатдаги хизмат сафаридан қайтди. У Тюмень, Томск, Кемерово вилоятларида бўлиб, меҳнат таътилини ўтаётган вакилларимиз ҳузурида бўлди. Мухбиримиз у билан суҳбатлашди.

— Тюмень, Томск ва Кемерово вилоятларида ишлаётган талабаларимиз ишлари чакки эмас, — дейди у сафар таассуротлари билан ўртоқлашар экан. — Айниқса, «Урайнефтежилстрой» трестида меҳнат қилаётган Тошкент Давлат дорилфунунининг «Ҳақиқат» ва «Лочин» талабалар отрядлари ҳақида илиқ гаплар айтиш мумкин. Отрядларнинг ўхшашлик томонлари жуда кўп. Иккала жамоанинг етакчилари ҳам талабалардан. Иккови ҳам биринчи йил отряд сафида чекка ўлкаларга чиқаётгани йўқ. Қолаверса, икки отряд бир жойда. Фақат уларнинг бажараётган ишларигина бир-биридан фарқ қилади. «Ҳақиқат» уйсозлик комбинатидаги арматура цехида, «Лочин» эса иссиқлик узатиш линияларида тер тўкишмоқда.

«Ҳақиқат» шартномада кўрсатилган ҳажмдаги ишни аллақачон уддалаган. Ҳозир эса ўша ердаги темир-бетон буюмлари заводида ишлаяпти. «Ҳақиқат»га тан бериш керак. 25 талаба ўрнига 14 киши меҳнат қилаётган бўлса-да, уддалашаяпти. Тағин ошиғи билан.

«Лочин»да бир йигит бор. Унинг исми Хулио Сесар Терсеро Санчес. У никарагуалик. Дорилфунуннинг учинчи курсида таҳсил олади. Умуман олганда, унга омад кулиб боқди. Ўзи бу ҳақда болаларга фахрланиб гапиради.

Жумҳурият Рус тили ва адабиёти педагогика институтининг «Шарқ» талабалар отряди шартномага асосан Томскдаги «Спецстроймеханизация» трестининг «1-спецстрой» бошқармасида ишлашлари кўзда тутилган эди. Бироқ, у ерда талабаларни хушлашмаган. Яхшиямки, Томск талабалар отрядлари вилоят штаби бу ҳолга бепарво қараб турмади. Отрядни бошқа ташкилотга — 159-ихтисослашган механизациялашган кўчма колоннага йўллади. У ерда талабаларни очиқ чеҳра билан қарши олишди.

Томскдаги «6-Связстрой» трестининг 603-механизациялашган кўчма колоннасида ҳам ҳамюртларимиз бор. Колонна бошлиғи Владимир Маркасов болалардан хурсандлигини яширолмайди. Улар бўлмаганида мўлжалдаги ишлар чала қолиб кетарди, — дейди у, — мен сизнинг халқингизнинг меҳнатсеварлигини қадрлайман.

Ростдан ҳам Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти талабаларининг шижоати мақтовга сазовор. Қизиғи шундаки, Маркасов бир вақтлар Ўзбекистон пойтахтидаги Электротехника алоқа институтини битирган.

Афсуски, Кемерово талабалар отрядлари вилоят штаби билан «Кузбассшахтастрой» трестидагилар Жиззах вилоятидан Кемероводаги кончилар учун турар-жой қурилишига шартномада келишилган 225 нафар талабанинг у ерга бормаганидан хафа. Маълум бўлишича, ТошПИнинг Жиззахдаги филиали директори У. Йўлдошев билан Мирзачўл қишлоқ хўжалик техникуми директори Х. Бердибековлар талабаларнинг Кемеровога боришларига рухсат беришмабди.

Тюмень, Томск, Кемерово вилоятларидаги айрим корхоналар раҳбарлари талабаларнинг зарур мутахассисликлар бўйича етарли тайёргарликка эга эмасликларини таъкидладилар. Ҳолбуки, корхоналар бунинг учун маблағ ҳам ажратишган эди.

Нима бўлганда ҳам, иккала томон учун мақбул йўлни топиш зарур. Аслида мақсад ҳам шу. Аммо шу кун талаби бу борадаги ишларни талабчанлик билан ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Муҳаммад АМИН суҳбатлашди.

СУРАТДА: ТошДДнинг амалий математика ва механика куллиёти талабаларидан тузилган «Ҳақиқат» отряди аъзоларидан бир гуруҳи.

Хорижлан хабарлар

Комиссия мажлиси тугади

БРЮССЕЛЬ, 22 август. (СИТА). Европа ҳамжамиятларининг бу ерда бўлган мажлиси «Умумий бозор» доирасида интеграция жараёнларини янада ривожлантиришга алоқадор асосий ҳужжатларни қабул қилиш билан ниҳоясига етди. Валюта-иқтисодий уюшмани ташкил этиш йўллари ҳамда унинг муддатлари хусусидаги комиссиянинг маърузаси тасдиқланди. У ҳамжамиятга аъзо бўлган мамлакатларнинг мазкур соҳадаги ягона сиёсатини ишлаб чиқишда кўмаклашиши керак.

Ҳамжамиятнинг ижроия органи уюшмани ташкил этиш дастлабки босқичини туталлашни таклиф этади. Бу босқич шу йилнинг биринчи июлида бошланган ва унда ҳамжамиятга аъзо бўлган мамлакатларнинг валюта-иқтисодий сиёсатини 1993 йил январигача, яъни Европа ҳамжамиятининг ягона ички бозори ташкил этиладиган вақтгача янада яхшироқ мувофиқлаштириш назарда тутилади. Шундан кейин иккинчи, янада қисқароқ босқич бошланиши керак. Унда «Эурофед» — Европа банкларининг ягона, сиёсий жиҳатдан мустақил системасини тузиш назарда тутилади. Бу система ҳамжамиятнинг валюта сиёсати масалаларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Комиссия иккинчи босқични туталлашнинг аниқ вақтини белгилагани йўқ ва шунга биноан якунловчи учинчи босқичнинг бошланиши «Эурофед» раҳбарлиги остида Европа ҳамжамияти ягона валюта бирлигини жорий этиш билан бошланади. Бу масала «Умумий бозорга» аъзо бўлган мамлакатлар раҳбарларининг ваколат доирасига киради, деб уқтиради комиссия. Йил охирида Рим шаҳрида ҳамжамиятнинг ҳукуматлараро конференцияси бўлади. Конференцияда ушбу муаммони таҳлил қилиш мўлжалланмоқда. Ҳозирги босқичда эса алмаштириладиган пулнинг қийматини барқарорлаштириш омили сифатида ҳозир амал қилаётган Европа валюта системасини, ушбу системага ҳозирча кирмаган Англия фунт-стерлинги, Португалия эскудоси ва Грециянинг драхмасини валюта бирлигига киритиш масаласи қараб чиқилмоқда.

Ягона валютанинг жорий этилиши, — деди журналистлар билан учрашувда Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг вакили Х. Кристофорсен, 12 мамлакат валюта ва иқтисодий уюшмасининг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу, жумладан, миллий валюталарда ҳозир мавжуд бўлган фарқни тугатиш ва шунга биноан бир валютани бошқа валютага ўтказиш юзасидан бўладиган харажатларни тугатишга имкон беради. Ғарбий Европа корхона эгалари фақат шунинг ўзидан ҳар йили деярли 27 миллиард доллар йўқотишмоқда, деб таъкидлади Х. Кристофорсен.

Телетайп лентасидан

БМТ. Хавфсизлик Кенгашининг беш доимий аъзоси — Буюк Британия, Хитой, АҚШ, СССР ва Франция — Ироқ Қувайтга бостириб кирганлиги туфайли юз берган танглик муносабати билан маслаҳатлашувларни давом эттирди. Ана шу мамлакатлар доимий вакилларининг бўлиб ўтган учрашувида, жумладан, АҚШнинг Ироққа нисбатан иқтисодий тақиқлашни амалга ошириш учун куч ишлатишдан фойдаланишга оид таклифи муҳокама қилинди. Маслаҳатлашувлар қатнашчиларидан бирининг айтишича, Ироққа нисбатан эҳтимол тутилган қамални амалга оширишга доир ҳарбий-денгиз операциялари устидан халқаро назорат воситасига нисбатан фикрларда ҳозирча тафовутлар мавжуд.

ЛОНДОН. Ироқ президенти Саддам Ҳусайн АҚШ Форс кўрфазидаги тангликни тинч йўл билан ҳал этишга рози бўлмаса, бу нарса ана шу ноҳия учунгина эмас, шу билан бирга бутун дунё учун «кенг миқёсдаги ҳалокат» билан тугайди, деб огоҳлантирди. АҚШ Президенти Жорж Бушга йўллаган ва бугун Бағдод телевидениеси орқали ўқиб эшиттирилган очиқ хатда, деб хабар беради Рейтер агентлиги, Ҳусайн Саудия Арабистони ҳудудида чет эл қўшинларининг тўпланишини «оқлаб бўлмайди» деди, чунки «Ироқ ана шу мамлакатга ҳам, бошқа бирорта мамлакатга ҳам ҳужум қилмоқчи эмас». Ироқ раҳбарининг айтишича, Ироқдаги чет элликлар «қасос олиш» мақсадида эмас, балки «Президент Бушнинг Ироқ халқига қарши чора кўришига имкон бермаслик» учун ушлаб турилибди.

БОНН. Бугун Берлинда ГДРнинг 14 октябрь куни ГФР таркибига кириши тўғрисида эришилган аҳдлашув Рейн соҳилларида ижобий муносабат уйғотди. ГФР канцлери Г. Коль бу аҳдлашувни Германиянинг ҳар иккала қисмида яшовчи кишилар орасида пайдо бўлаётган кўпдан-кўп саволларга аниқлик киритадиган муҳим қадам деб баҳолади.

Федерал канцлер маҳкамасининг раҳбари Р. Зайтерснинг фикрича, ГДРдаги парламент фракциялари раислари келишиб олган режа халқ палатаси ўртага қўйган дастлабки шартларга мос келади — «икки плюс тўрт» формуласи асосидаги музокаралар тугаб, ГДРда ўлкалар ташкил этилганидан ва бирлашиш тўғрисида шартнома тузилгандан кейингина ГДР ГФР таркибига кириши лозим.

ЖЕНЕВА. Атом энергияси халқаро агентлигининг (МАГАТЭ) бош директори Ханс Бликс ядро қуролига эга бўлган мамлакатларга мурожаат қилиб, плутоний сақланадиган халқаро омборни ташкил этишни таклиф қилди. У ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома қандай амал қилаётганлигини кўриб чиқиш юзасидан Женевада ўтказилаётган тўртинчи конференцияда сўзга чиқди. Агар қуролсизланиш жараёнида бойитилган уран ва плутоний ҳарбий соҳадан граждан секторига ўтказиладиган бўлса, деб таъкидлади у, МАГАТЭнинг назорат системаси парчаланадиган ана шу материаллардан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан кафолатни таъминлай олган бўлур эди.

(СИТА, 22 август).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЕНГИЛ СУҲБАТ КЛУБИ

● ЯПОНИЯ ПОЙТАХТИНИНГ шундай марказида мавжуд бўлган эркакларнинг бу клуби анчадан бери ишлаб турибди. Алкоголли ичимликлар буюриш бу ерда мода эмас. Керак одам фақат чой ёки салқин ичимликлар истеъмол қилиши мумкин. Клубнинг алоҳида томони шундаки, бу ерда иш ҳақида, сиёсат ҳақида гапириш бутунлай таъқиқланган. Суҳбатларнинг асосий мазмуни — болалар, оила, хўжалик ишлари, олди-сотди ҳақида бўлади. Хўш бу ерда кимлар йиғилишади? Асосан ишбилармон, обрўли одамлар, савдогарлар, машҳур муҳандислар ва ҳатто полициячилар суҳбатга тўпланишади. Клубга доимий келувчиларнинг фикрига кўра, бундай дам олиш ҳар қандай чарчоқни кетказар, одамлар ҳақиқий дам олишар экан.

8 МЕТРЛИ ТИМСОҲ

● ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁДАГИ, Австралиядаги шўр сувларда яшовчи тимсоҳлар Ер юзидаги энг йирик судралиб юрувчилар ҳисобланишади. Улар ўртача 3,7 метрдан 4,3 метргача, оғирликлари эса 500—600 килограммга етади.

Филиппиндаги қишлоқларнинг бирида 1823 йили қишлоқ аҳолисига узоқ йиллар давомида таҳдид солиб келган одамхўр тимсоҳ ўлдирилган. Унинг оғирлиги 2000 килограмм ва узунлиги 8 метр бўлган.

МУЗЕЙДАН — УЙГА

● ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯНИНГ Марктобердорф шаҳрида дунёда ягона бўлган сичқон тутадиган қопқонлар музейи бор. Кейинги пайтларда бу ерни келиб томоша қилувчилар сони кескин кўпайган. Бунинг сабаби нафақат сичқонларнинг кўпайиб кетганлиги, балки музей дирекцияси янги усул ўйлаб топганлиги бўлди.

Кўргазмага қўйилган экспонатлар эндиликда шиша тўсиқлар ортига қўйилмайди ва ҳар бир хоҳловчи киши уларни қўлига олиб, қандай ишлашини синаб кўриши мумкин. Агар томошабин қопқонни фойдали эканлигини билса, музей хизматчилари бундай қопқонни қандай қилиб ясаш ҳақида ўз маслаҳатларини беришади. Хоҳловчиларга унинг чизмаси ҳам тақдим этилади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ФИДОЙИЛИК БЕҲУДАГАМИДИ?

ЛЕВ ТРОЦКИЙ ҚОТИЛИ — РАМОН МЕРКАДЕРНИНГ ТУҒИШГАН УКАСИ УЗОҚ СУКУНАТДАН СЎНГ ИЛК БОР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Шу йилнинг 20 августида тарихимиз саҳифаларида лаънатланган ва қораланган шахс — Лев Давидович Троцкийнинг ўлдирилганлигига 50 йил тўлди. Бу сана Мексикада нишонланиб, унинг таъмирланган уй-музейи очилди. «Труд» рўзномасининг Мадриддаги мухбири А. Полонский қотилнинг укаси Луис Меркадер билан учрашиб, у билан суҳбатлашди.

«Менинг акам шунчаки қотил бўлмай, балки у коммунизм ишига содиқ бўлган ҳақиқий инсон эди».

Луис Меркадер.

Уруш арафасидаги илиқ кунларнинг бирида буюк мамлакатдагиларнинг кўпчилиги «Правда» рўзномасининг 24 август сонида чоп этилган унча катта бўлмаган хабарга эътибор бермаганлар бўлишлари мумкин. Аммо ишончим комилки, уни Москванинг уч ерида: Кремлдаги Сталин кабинетида, Лубянкадаги Л. Берия хонасида ва 1939 йилда Испаниянинг таслим бўлиши билан Иттифоққа кўчиб келган кўплаб испан оилаларидан бири яшаётган уйда ўта қизиқиш билан ўқиб чиқишган. Унда яқинларидан бири томонидан уюштирилган суиқасд туфайли мияси пачоқланган Троцкийнинг Мексика касалхонасидаги ўлими ҳақида хабар берилганди.

Иосиф Сталин ва унинг атрофидаги нияти ёмон шахслар учун бу унчалик янгилик эмасди. Чунки бундан тўрт кун муқаддам Сталин хонасига тантанавор кириб келган Лаврентий Павлович «халқлар отаси»га «партия ва ҳукумат топшириғи» муваффақиятли бажарилгани ва шахсан доҳий қўйган вазифа уддаланганини билдирганди. НКВД юз берган воқеани бир вақтнинг ўзида икки манбадан билиб олди. Бу ҳақда Мексикадаги хуфиячилар маълум қилишлари билан бирга, жаҳон ахборот агентликлари — 1940 йил 20 август кунининг иккинчи ярмида Мехиконинг Койоаканидаги қароргоҳида Ленин гвардиясининг вакили, Қизил Армия ва Тўртинчи Интернационалнинг асосчиларидан бири Лев Давидович Троцкий ўлдирилганлигини жар солишганди. Қотил унга яқин бўлган кишилардан бири Жак Морнар бўлиб чиқди.

Ваҳоланки, унинг яна бошқа исм-шарифи ҳам бор — Франк Жексон. Учинчи ва ҳақиқийси Хайме Рамон Меркадер дель Рио эди.

«Правда»да қотилнинг номи қайд қилинмади. Шу боис Москвада истиқомат қилаётган испан оиласининг аъзоси, 17 ёшли Луис Меркадер рўзномани бир четга қўйганча акасининг хотини НКВД ходими Лена Инбертга ташвиш билан боқди. У бўлса чидаб туролмай: «аниқ биламанки, бу можарога Рамон аралашган...», дея тан олди.

Бу воқеа роппа-роса ярим аср муқаддам юз берганди. Ҳозир эса Троцкийнинг жонига қасд қилган шахснинг укаси Луис Меркадер 67 ёшда. У шўро нафақачиси бўлиб, Мадрид дорилфунунида ўқитувчи. Унинг Мадрид яқинидаги Алуге деган жойдаги уйи бамисоли Москвадагини эслатади: деворларда рус тасвирлари, жавонларга рус китоблари, қўғирчоқлар териб қўйилган. Бу ерда русча сўзлашишади. Луис Меркадер 40 йил Совет Иттифоқида яшаган. Кейинги йилларда Испания ва Францияда бўлди. Шу даврда бир оғиз ҳам акаси тўғрисида сўзламаган. Ҳозир орадан 50 йил ўтгач, гапиришга қарор қилибди. Совет матбуотидаги ўзининг биринчи хотираларини «Труд»нинг Мадриддаги мухбирига сўзлаб бермоқда.

Энг аввало шуни айтиш лозимки, узоқ йиллик сукунатдан сўнг охироқибатда Луис Меркадер акасининг қисмати ҳақида сўзлашига мухбирнинг қистовлари сабабчи эмас. Бунга СССРдаги ошкоралик ва қайта қуриш турткн бўлиб, қайсики, биздаги қўрқув йўқолиб кеча рўёбга чиқиш имкони бўлмаган воқеалар ҳақида сўзлаш ихтиёри туғилган бўлса ажаб эмас. Испан коммунистларининг раҳбари ва ўша даврдаги воқеаларга бевосита алоқадор бўлган Долорес Ибаррурининг ўлими ҳам бундай очиқ фикр баён қилишни тезлаштириб, совет ва испан тарихидаги ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган саҳифаларни очишга имкон берди.

— Хўш, нимадан бошлаймиз! Балки, 1940 йил 20 август воқеаларини баён қилишдандир! Зеро, бу ҳолнинг қандай рўй берганини эслаш маъқулдир...

...Лев Троцкийнинг ўлдирилиши тафсилотларидан бугунги кунда кўпчилик огоҳ. Бу воқеалар жаҳон матбуотида батафсил ўз аксини топган, фақат қисқача эслаб ўтайлик. Кунлардан бирида қаттиқ қўриқланаётган қўрғончада яшовчи Л. Троцкийга яқин бўлганлар орасида Жак Морнар исмли француз йигити пайдо бўлиб қолди. У троцкийчиликка хайрихоҳлик билдирар ва унинг мақолаларига бир неча бор Лев Давидовичнинг нигоҳи ҳам тушганди. Хушбичим кўринишда бўлган Морнар тез орада Троцкий ходимлари эътиборига тушиб, бу хонадонга бемалол кириб чиқиш ҳуқуқига эга бўлади. У Троцкийга кўриб чиқиш учун ўзи ёзган мақолаларни келтирарди. Шу бош қўриқчилар уни бемалол ўтказиб юборишган.

Ўша 20 август куни у навбатдаги мақолани олиб келганди. Ташқарида ҳаво иссиқ бўлишига қарамай, негадир Морнар билагига ёпинчиқ ташлаб олганди. Троцкий мақолани кўриш учун энди эгилганди, унинг орқасига ўтиб олган Морнар ёпинчиқ остига беркитилган тоққа чиқувчилар фойдаланадиган болғанинг учли томони билан Лев Давидовичнинг бошига жон-жаҳди билан уради. Чидаб бўлмайдиган фарёд эшитилади. Қўриқчилар югуриб киришади...

Қўрғондан юз метрча нарида қора машина турарди. Унда Рамон ва Луиснинг онаси — Каридад Меркадер ва совет чекисти Леонид Котов бор эди. «Ими-жимида» иш бажариш ўзини оқламагач, бутун режа чиппакка чиқади. Уйда қичқириқлар эшитилиб, тўполон бошланган заҳотиёқ машина ўрнидан қўзғалади. Қотил ушланди. Унинг чўнтагидан тўппонча ва ўз ҳаракатини мафкуравий нуқтаи назаридан қилганлиги баён этилган мактуб топилади.

Тергов ва суд жараёни давомида Жак Морнар ўзининг нафақат рус тилини, ҳатто испан тилини билишини оёқ тираганча рад этиб, СССРга ва НКВДга ҳеч қанақа алоқаси йўқлиги ва у француз эканлигини баён қилди. Унга нисбатан 20 йил қамоқ жазоси тайинланади.

Акамнинг хатти-ҳаракатини равшанлантирувчи белги, аниқроғи у тутган йўлдаги марказий нуқта ана шундан иборатдир.

— Акангизнинг ўзи қандай одам эди? Сиз унинг болалиги, ўсмирлигини қандай эслайсиз?

— Акам мендан ўн ёш катта бўлиб, болаликда менинг энг яқин дўстим ва ҳимоячим эди. У мени кўпинча велосипедда миндирарди. Каталониядаги маҳаллий комсомоллар раҳбарига айланганди. Эсимда, Рамонни ҳамма ҳурмат қиларди. Уни ўта билимдон, деб билишарди. Чунки у инглиз ва француз тилларини мукаммал биларди. Унинг атрофида кўпгина чиройли қизлар айланишарди. Ҳаммамиз унинг имони комил эдики, уни истиқболи порлоқ келажак кутаётганди...

— Сиз унинг маълумоти хусусида сўз юритдингиз. Рамон қаерда ўқиган, нимани тугаллаган?

— Бунга жавоб бериш мушкул. Бу ҳол ҳамон жавоб топа олмаган бошқотирмалардан бири ҳисобланади. Мен Рамонни яхши билган юзга яқин одамни учратганман. Аммо уларнинг биронтаси ҳам бу борада бирор жўяли фикр билдиролмаган. Масалан, у қаёқдан инглиз тилини билади? Аниқроғи, 37-йилдан 39-йилгача Францияда яшаган даврида уни нимага ҳозирлашаётганига ақли етиб, яширинча инглиз тилини ўрганган бўлса эҳтимолдан ҳоли эмас. Охир-оқибатда ўша кезда у Л. Д. Троцкий яшаётган Мексикага яқин бўлган АҚШда Франк Жексон номи билан пайдо бўлиб қолади.

— Акангиз Испанияда фуқаролар урушида иштирок этиб, лейтенант унвонигача хизмат қилгани сизга маълумми!..

— Йўқ, майоргача, сўнг йўқолиб қолган. Қаёққалиги менга аён эмас. Аммо 1937 йилда менинг ўзим Францияга келганимда у ерда Рамон ва онамни учратдим. 1939 йилгача, яъни менинг Москвага кетганимга қадар бирга бўлдик. У эса онам билан қолди. Иккови ҳам НКВДда хизмат қиларди. (Рамонни у ерга онам олиб кирганди). Бу гуруҳни Леонид Котов бошқарарди.

— Франциядан сўнг, Рамон Москвадаги НКВД мактабида ўқимаганми!

— Йўқ, у ҳеч қанақа НКВД мактабини ўтамаган. Ундан ташқари шуни биламанки, 1960 йилгача у бирон марта Совет Иттифоқига келмаган. Сўнг, яъни ўзига берилган 20 йиллик қамоқ муддатини ўтаб, Иттифоққа келгач, яхши эсимдаки, у Москвани мутлақо билмас ва русча умуман сўзлаша олмасди.

— Қамоқдан чиққандан сўнг Чехословакияга келган ва у ерда яшаган деган гап-сўзлар қаёқдан чиққан?

— Менимча, бу фикрлар бизнинг Рамон билан ўртамиздаги ёзишмалар туфайли юзага келган бўлса керак. Ўз тажрибамдан яхши биламанки, Совет Иттифоқида унинг яшаши мушкул бўлиб, ҳар қалай бирон бир социалистик мамлакатда, жумладан Чехословакияда паноҳ топишни маслаҳат бергандим. Балки бу миш-мишлар Рамон қандайдир чиққач, икки чехословакиялик дипломат кутиб олиб, уни Кубага жўнатиб юборган бўлиб, бу ҳам юзага келган бўлиши мумкин. У ерда Рамон бир неча кун Фидель Кастронинг меҳмони бўлганди.

Чехословакияда эса Рамон ҳеч қачон бўлмаган.

— Келинг, Рамоннинг ёшлигига қайтайлик. Қани айтинг-чи, навқирон ёшдаги йигитда нега троцкийчиликка, Троцкийнинг ўзига нафрат уйғонди, ҳатто унинг қотиллигига йўл тутишига нима сабаб бўлган!

— Бу жуда оддий. Гап шундаки, ўша кезда Испанияда, айниқса, Каталон коммунистлари троцкийчилар ва анархистларни жуда ёмон кўришарди. Улар 1937 йилнинг 1 майида Барселонада исён кўтаришганди. Тушиндингизми? Уруш бўлиб, фронтда фидойилик кўрсатилаётган бир пайтда Каталонияда ҳокимиятни қўлга киритишга ҳаракат қилишмоқда. Жанглар уч кун давом этиб, унда танклар, тўплар, миномётлардан фойдаланилди. Ҳар икки томондан мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган. Барселона исёнидан сўнг троцкийчилар ва анархистларга фашист сифатида қаралган, уларни ҳар қадамда таъқиб этишиб, ушлаган жойларида ўлдиришарди. Ёш ғоявий коммунист бўлган акам учун троцкийчилар раҳбарини ишчи синфининг ашаддий душмани, Испания жумҳуриятининг ғаними сифатида тасаввур этиш қийин эмасди.

Ҳозир Рамон бу қотилликка НКВДидан қўрққани учун қўл урган, деган фикрларни эшитиш мумкин. Чунки унинг ортида НКВДнинг энг яхши ходими, гуруҳнинг бевосита бошлиғи Л. Котов турарди. Зеро, шу қўрқув ҳам уни Троцкийни ўлдиришга мажбур этган эмиш. Менинг назаримда бу ўйлаб топилган уйдирмадан бошқа нарса эмас.

— Шундай қилиб, орадан 20 йил ўтиб кетди. Мана, ниҳоят сизлар учрашдингиз...

— Биз Рамон билан 1960 йилда учрашдик. Менинг огоҳлантиришларимга қарамай, у Совет Иттифоқида яшаш истагини билдирди. У кема билан Кубадан Ригагача келади. У ердан эса Москвага. Унинг ҳаракати ўта махфий сақланган. Ҳеч ким Рамонни танимасди...

Бу учрашув олдидан мен қанчалик тўлқинланганимни айтишга ҳожат бўлмаса керак. Узоқ йиллик айрилиққа қарамай, анча қариб қолган, сочлари оқарган, қовоқлари солиқ бўлса-да, мен учун қадрдон бўлган акамни дарров танидим. Назаримда у ҳамон илгаригидек чиройли, хушбичим эди. Кўп ўтмай, унинг ўта камгап бўлиб қолганига амин бўлдим.

У Москвага бир ўзи эмас, балки оиласи билан келганди. Кейинроқ унинг рафиқаси билан қандай танишганини сўзлаб бераман.

1961 йилда Рамонга унча шов-шувсиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди ва Соколда унча катта бўлмаган уй ажратилди. Бундан ташқари 400 сўмлик нафақа тайинлашиб, Малаховкадаги ёзги дала ҳовлисидан фойдаланиш ҳуқуқини беришди. Бор-йўғи шу. Бир сўз билан айтганда, уни мутлақо эсдан чиқаришди. Шундай қилиб, Москвадаги машаққатли ҳаёт бошланди...

Тез орада менинг Рамон Москвада яшашга кўникиши қийин бўлади, деган хавфсирашларим ўзини кўрсата бошлади. Совет Иттифоқидаги турмуш тарзи ҳар галгидек ўзига хос ва машаққатли эди. Айниқса, чет элликлар учун янада оғир бўларди. Аксига олиб, шунча иш қилган қаҳрамон картошка учун навбатда туриши, тонгги аёзда тўлиб-тошган шўро троллейбусида юриши ғалати туюлар экан. Бунга қўшимча шуки, Рамоннинг ўзи ҳам, унинг мексикалик ҳиндий рафиқаси Ракель Мендос ҳам бир оғиз русча сўзлашишни билишмасди. Шу боис улар кечқурунлари катта жун рўмолга ўралганча ғарибона уйларида ўтиришарди. Уларни жами борлиқ — сон-саноқсиз навбатда туришлар, доимий етишмовчилик, тилни билмаслик азоби изтиробга соларди. Мен Рамонга жуда оғирлигини сезиб турардим. Уни эса борган сари мудҳиш ўйлар гирдоби босиб келарди...

А. ПОЛОНСКИЙ,
(«Труд»нинг ўз мухбири).
Мадрид.

(Давоми бор).





СУРАТЛАРДА: Л. Троцкий хотини Наталья Седова билан суиқасддан олдин; Л. Троцкий суиқасддан сўнг. Сурат Мадридда чиқадиган «Диарио 16» рўзномасидан олинди.

Таҳрирсиз жавобталаб мактублар

Бепарволик — жиноят

АЙРИЛИҚДАН ёмони йўқ экан. Ҳаётга тўймаган кўзлар бевақт юмилса алам қиларкан, кишига. Шундай лаҳзаларда ич-ичингдан чуқур хўрсиниқ чиқади-ю, бепарволик, инсон тақдирига эътиборсизликдан дод дегинг келади. Ахир, кечагина сен билан чақчақлашиб, не-не орзу умидлар билан юрган тенгқуринг, қони бир жигаринг бугун қаро ер бағрида ётса, қандай чидаб бўлади?! Кекса отанинг, ўзи хаста онанинг, йигирма бешга кирмай тул қолган келиннинг юзига жавдираб қараётган икки гўдакнинг дод-фарёдини ким эшитади? Йигирма тўққиз ёшнинг остонасидан эндигина ҳатлаган Мавлонжоннинг ўлими, йигирма еттига тўлар-тўлмас икки оёғи синган Асқарнинг оғриқ азобидан инграшлари ўша амал эгаларини хушёр торттирармикан, энди?!

Билмадим, не бўлганда ҳам фалокат содир бўлди. Эътиборсизлик, ўз ишига масъулиятсизлик яна бир бор панд берди. Унинг қурбони эса Ғаллаорол геология-қидирув экспедициясининг мастери Мавлон Эшқобилов бўлди. Ғаллаоролликлар апрель ойидаги қаттиқ ёғингарчилик келтириб чиқарган селни яхши эслашади. Ана шу сел натижасида ноҳиянинг Ғафур Ғулом номли давлат хўжалиги аҳолисининг уйларига, йўл ва кўприкларга катта зиён етди. Ҳаммамиз ҳам табиат олдида ожизмиз. Унинг олдини олиб бўлмайди. Лекин, у келтирган офатларни тугатишга қурбимиз етади. Агар беэътибор, беҳафсала бўлмасак! Сел тошқини «Социализм» қишлоғидаги кўприкни ҳам ювиб кетди. Катта йўлга уланган бу кўприк устида эни бир ярим, чуқурлиги икки метрча келадиган жарлик селдан «эсдалик» бўлиб қолди. Эсдалик дейишимнинг боиси на йўл ремонт-қурилиш участкаси, на бўлим раҳбарлари орадан ўтган уч ойлик муддат ичида ана шу жарликни, аниқроғи чуқурликни кўмиб ташлашга вақт ҳам, қунт ҳам топишолмади. Ҳаттоки, ана шу жойга биронта тақиқловчи белги ҳам қўйишмади. Оқибат эса энди кучга тўлган, жамиятга фойдаси тегиши мумкин бўлган гулдек бир йигитнинг бевақт нобуд бўлишига олиб келди. Бунгача мана шу чуқурликда иккита фалокат содир бўлган. Асқар исмли йигитнинг икки оёғи синган бўлса, яна бири оғир аҳволда шифохонада ётарди. Учинчиси эса ўлим билан тугади. Ҳушёрлик қилиб, жар оғзидан қайтганлар қанча...

Қишлоқчилик, биров велосипед, биров мотоцикл минади. Мавлон ҳам ҳавас қилиб, «Восход» мотоцикл сотиб олганди. Унинг ўз бошига етишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди. Афсуски, ажал уни ўз домига тортиб кетди. Эътиборсизлик орқасида кўмилмаган жарликка шу йилнинг 25 июнь куни қулаб тушди, мотоциклдан...

«Социализм» қишлоғи Ғ. Ғулом номли давлат хўжалигининг 2-бўлимига қарайди. Бўлимнинг раҳбарлари, хўжалик бош муҳандиси, бош агрономи, бош бухгалтери, қўйинг-ки, казо-казоларнинг ҳаммаси шу қишлоқдан. Қўлларида қанча-қанча техника, ишчи кучи бор. Ана шу жарликни неча бор кўришган. Минг бор афсуски, бўлим бошқарувчиси Абдувоҳид Амировнинг ва бошқа «катталар»нинг уни кўмиб ташлашга ақли етмади. Қишлоқ кишиларининг ишонган тоғлари бўлмиш қишлоқ Шўроси раисининг, хўжалик фирқа қўмитаси котибининг доимо тийрак бўлувчи кўзлари наҳотки уни кўрмади?! Наҳотки, биринчи, иккинчи фалокатдан кейин ҳам уларнинг виждонлари (агар бор бўлса) қийналмади, эл-юрт олдида уялмадилар?!

Ғаллаорол ноҳияси йўл ишларига масъул ўртоқлар, сизларда ҳам фарзанд бордир, ахир! Ўзингизни фарзанд доғида бўзлаётган кўзларидан ёш эмас, қон оқаётган Мавлоннинг ота-онаси, фарзандлари, оға-инилари ўрнига бир қўйиб кўринг. Инсон тақдири Сизлар учун бир чақами?! Менимча, шундай. Чунки, сизларга ноҳиянинг масъул раҳбари ҳам, халқ ҳам бу ҳақда бир неча бор айтишган. Аммо, фойда унмайдиган иш бўлгани учун топшириқни бажармадинглар!

Биламан, ушбу сатрларни битиб, тоғажонухолажонларим, Сизларнинг яраларингизни янгилаяпман. Сезиб турибман, мижжаларингизда алам ёшлари тўпланиб қолди. Иттифоқ қишлоқ участка шифохонасида телефон алоқаси жойида бўлганда, «Тез ёрдам» машинасининг ўзи ёрдамга муҳтож бўлиб «ётмаганида» Мавлон тирик қолармиди, деган илинж юрагимга тинчлик бермаса мен не қилай. Армоним шуки, ўша фалокатнинг эртаси кунiёқ жарлик кўмиб ташланди, текисланди. Фақат Мавлонжоннинг ўлимидан кейин...

Мен юқоридаги сатрларни бировдан шикоят қилиб битаётганим йўқ. Ниятим холис, бу каби фалокатлар ҳеч қачон ҳеч қаерда такрорланмасин. Ҳеч бир фарзанд беш яшар Ойбек каби «дадам тупроқнинг тагида ётибди экан, биз борсак ҳам чиқмади», деб аламларини янгиламасин.

Камолиддин НАЗАР,
Жиззах вилояти, Ғаллаорол ноҳияси, «Меҳнат байроғи» рўзномаси бўлим мудири.

АРМИЯДА МАФКУРА ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛСИН

Тошкентдаги Округ Офицерлар уйида Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округи мафкура ходимларининг йиғилиши ўтмоқда. Унда сиёсий органларнинг тарғибот ва ташвиқот бўйича лекторлари, катта инструкторлари, ҳарбий қисмларнинг, ҳарбий-қурилиш отрядларининг, ҳарбий комиссариатларнинг тарғиботчилари иштирок этишмоқда.

Ҳарбий кенгаш аъзоси, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи, генерал-лейтенант А. И. Захаров тўпланганлар ҳузурида мафкура ишининг ҳозирги концепцияси, КПСС XXVIII съезди қарорлари асосида уни янгилаш йўллари ҳамда амалга ошириш хусусиятлари тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилиш қатнашчилари секциялар бўйича мунозаралар ўтказишади, ҳарбий хизматчиларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш системасини янгилаш, сиёсий плюрализмни қарор топтириш ва ижтимоий турмушни демократиялаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни кўриб чиқадилар. Улар шунингдек бир қанча маърузалар ва лекциялар тинглайдилар, КПСС XXVIII съезди делегатлари, СССР халқ депутатлари билан учрашадилар, давра суҳбатларида қатнашадилар.

(ЎзТАГ).

Бепоён менинг Ватаним



МОСКВА. Бу ерда, шу кунларда Россия очиқ дорилфунуни ўз фаолиятини бошлади. Ҳа, ҳа очиқ дорилфунун. Сизни унинг номланиши таажжубга солмасин. Чунки ушбу дорилфунунда истаган киши таҳсил кўриши мумкин. У ҳаётнинг ярми ўтгандан сўнг ўқишга киришни истаётганлардан тортиб, умуман ишсиз юрганларни, ўз мутахассислигини ўзгартиришни истаётганлару, малакасини ошириш иштиёқидаги ишбилармон кишиларгача қабул қилиши мумкин.

Бу ерда бериладиган мутахассислик даражалари, ҳозирчалик бизнинг давлат учун янгилик: фан ёки санъат бакалаври, магистри, фалсафа доктори илмий унвонларини беради.

1990 йилнинг сентябридан айрим бўлимларнинг ишга туширилиши режалаштирилмоқда: бизнес (ишбилармонлик) ва менеджментчилик, сиёсатчилар, социология, ҳуқуқшунослик, психология ва педагогика, диншунослик ва ҳ. к.

СИТА.

* * *



ҚОЗОҒИСТОН ССР

Анна Крюкова ва Андрей Зарудиев — ёш келин-куёв ўзларининг оилавий муносабатларини... этнография музейида расмий мустаҳкамлашга қарор қилдилар. Уст-Каменогорскдаги Шарқий Қозоғистон этнография музейининг фольклор гуруҳи эса ёшларни қадимий тўй қўшиқлари ва рақслар билан кутиб олишди, ёш эр-хотинларни мураккаб, аммо қизиқарли «ёшлар синови»дан ўтказишди.

СУРАТДА: келин Анна Крюкова «синов» чоғида.

В. ВОРОТНИКОВ сурати (СИТА суратхроникаси).

ШАХМАТ ВА ТАБОБАТ

ШАХМАТ руҳий фаолиятнинг кичик бузилишини даволаш учун нодир бир воситадир. Бу айниқса, хулқи хунукроқ ўсмирлар учун фойдалидир. Бундай ўсмирлар кўпгина соҳаларда ўз тенгдошларидан ортда қоладилар. Шахмат ўйини ҳам таълим олишдир. Масалан, ўқувчи предметни жуда яхши билади, у ҳақда луғатдаги сўз бойлигидан фойдаланиб, бемалол қизиқарли фикр юрита олиши мумкин. Бироқ тахтага таклиф қилишлари билан фикрлари сийқалашиб, тили йўниқ бўлиб қолади. Биз кўриб чиққан ҳол шароитни тез ва тўғри фикрлаб олмасликнинг бир мисолидир. Бу функцияларнинг шаклланишу, салбий ҳиссиёт бўёғи — шароитни ўсмирларнинг ўзи, болалар жамоаси бирон ўқитувчининг шароитга баҳо бериши билан мустаҳкамланади. Бундай ўсмирни ўз вақтида шахматга жалб қилиш бутун бир муаммолар мажмуасини ҳал қилишга имкон беради. Биринчидан, шахмат кураши жараёнида кўп марталаб табиий ўйин шахсида ўсмир ҳолатда жуда қийналиб енга оладиган ва улардан қочадиган шароитларга дуч келади. Бу йўқотилган қобилиятни тиклашга ёрдам беради. Иккинчидан, шахмат билан шуғулланиш заифлашган функцияларни ижобий ҳис-туйғулар билан мустаҳкамлаб, аввалги салбий жиҳатларни кесади. Учинчидан, биринчи вазифани ҳал этарканмиз ва вақтида ўсмирни шахмат ўйинига қизиқтириб қўйсак, бу аввалги салбий мойилликларни сиқиб чиқариши мумкин. Шундай қилиб, шахсият руҳий фазилатларни анча яшнатиб, уйғунлаштира оламиз.

Шахмат ичкиликбозликнинг олдини олишда яхши воситалардан биридир. Шахмат бу иллатга йўлиққан кишига ёрдам қўлини чўзиши мумкин. Ҳозирда ичкиликбозликка йўлиққан касални шифохонада даволаш муддати тўрт ойгача давом этади. Шу вақт орасида беморда шахматга меҳр уйғота олсак, бу билан касални буткул соғайиб кетишига асос ва шароит яратган бўламиз.

Маълумки ичкилик (руҳий фаолиятни йўналтирувчи) мия пўстлоғининнинг тузилмаларига қаттиқ таъсир қилади. Организмдаги етишмовчи нарсанинг ўрнини қопловчи катта имкониятларга эга тузилмай шахснинг асабийлашуви оша боради. Одатда бундай кишилар даволанишга мажбур бўлиб қоладилар. Шифокорнинг асосий вазифаси шахснинг йўқотган руҳий функцияларини тиклашдан иборатдир. Буннинг учун етишмайдиган нарсанинг ўрнини қопловчи механизмларни ишга солиш ва уларни тоблаш зарур. Бу унчалик осон иш бўлмай, бу ерда ҳам ўсмирларни тарбиялашдагидек меҳнат шифокорнинг энг яқин ёрдамчиси бўла олади. Шахмат ўйнар эканлар, беморлар ўзлари сезмаган ҳолда фаол даволанадилар. Буннинг устига улар бир-бирларини ҳам даволайдилар. Шахмат руҳий функцияларни даволаш жараёнида қатнашар экан, унга улкан маънавий куч ато этади. Зеро, шахмат олами гоялар ҳамда гўзаллик оламидир.

— Биз табобат аҳли, —дейди Москвадаги врачлар малакасини ошириш институти наркология ва психиатрия бўлимининг мудири, профессор В. С. Воробьев, — шахматни ҳамма жойда кенг кўламда ёйиш тарафдоримиз.

Энди тарих саҳифаларига мурожаат этайлик.

Йигирманчи йилларда Ўзбекистонда нашр этилган қимматли китоблар ичида кечира турган, ногоҳ бир маълумотга дуч келиб қолдим. «Аланга» ойномасининг 1928 йилда чиққан 3—4 қўшма сонида «Шарқда шахмат» сарлавҳали мақола босилган экан. Унинг муаллифи машҳур ёзувчи ва адабиётшунос тарихчи, профессор Абдурауф Фитрат бўлган. Бу мақоладан энг керакли парча:

«...Абулфотҳ Аҳмад шатранж билан машҳур бўлғон мана шу кишиларни кўрсатади:

1. Абубокир Муҳаммад Ибн Яҳё ал Сулаймон.
2. Ҳожа Ҳоким Абу Райҳон.
3. Абу Саҳл Муҳаммад ибн Али ал Бадойи.
4. Адмий...

Абулфотҳ Аҳмаднинг сўзига кўра, бу кишилар шатранжда устоз бўлиб бу тўғрида китоблар ёзғонлар...».

Мақола сўнггида бундай изоҳлар берилган.

«Муаллифнинг мақташларидан машҳур Абурайҳоний бўлса керак...».

Ҳа ўша Абу Райҳон Беруний бўлиши керак! Алломанинг бу китоби ҳам зора топилиб қолса...

Профессор Фитрат тилга олган Абулфотҳ Аҳмад Сижзийнинг «Шатранж рисоласи»даги парча ҳам ниҳоятда муҳим, ҳам кишини ҳайратга, таажжубга солади. «Ҳожа ҳоким исломда тенги йўқ олим эди ва унинг шатранж бобида тузғонлари ва бошқаларникидан келтирган мисоллари унгача мавжуд бўлган тузуклар орасида энг яхшиси ва ажойибидур».

Абурайҳон айтубдуркими, «шатранж тилсимот жумласидандир ва кўп кишиларга у роҳат бахш этиб ғамлардан холис қилғон ҳамда улкан ранг (дард) лардан фориғ бўлишган. Илон чаққан, заҳарланган кишилар, туғолмай азобда қолган ҳомиладор аёллар шатранж туфайли нажот топганлар. Бу ҳақда Муҳаммад Зокирёйи ар-Рорий ҳам гапириб ўтган...».

Бу парчанинг биринчи қисмидан маълум бўлиб турибдики, шатранж бобидаги Беруний тузуклари ҳозирда «ўрта аср шахмат рисолаларининг аълоси» деб ном олинувчи Абулфотҳ китобига деярли асос бўлган.

Шатранжнинг дардларни фориғ этиши ҳақидаги жумлага биринчи бор дуч келган киши ишонқирамай бир кулиб қўйиши турган гап. Аммо уни Берунийдек кишидан кўчирилганлиги инобатга олинса, унга ишонмоқ даркор. Бунинг устига Абулфотҳ: бу ҳақида молиҳур тиб олими ар—Ризий ҳам шундай деганлигини айтади.

Қўлимизда машҳур кекса америкалик шахмат устаси Эдуард Ласкернинг 1949 йил Нью-Йоркда нашр этилган китоби турибди. Унинг бир жойида қадимги ҳакимлар «шахмат кўп дардларга, чунончи, юрак оғриғи... ичкетарга даво», деганликлари қайд этилади. Бу фикрнинг бир қатор тасдиғи сифатида муаллиф шундай воқеани ҳикоя қилади:

«Кунларнинг бирида яқин танишим, касалхона бош врачи менга қўнғироқ қилиб ҳузурига таклиф этиб қолди, — дейди Эдуард Ласкер — борсам, танишим юраги қаттиқ безовта қилаётган бир бемор билан шахмат ўйнашни илтимос қилди. Кўндим. Бемор дурустгина шахматчи экан. Икки-уч бор дона суришдик. Шунда беморнинг аҳволи кундан кунга яхшиланиб борди... Мен бошқа шаҳарга кўчиб кетиб қолдим. Кейин билсам, ўша бемор мен кетгач, кўп ўтмай вафот этибди. У билан шахмат суришадиган киши топилмагандир, балки?..».

Шу ўринда ушбу сатрлар муаллифи бошидан кечирган бир воқеани ҳам баён қилишга эҳтиёж сезилгандай кўринади. Бундан 4—5 йил муқаддам Наманган шаҳрида ўтказилган анъанавий гул байрами программасига шахмат ҳам киритилган эди. Мен 25 тахтада бир йўла ўйин сеанси ўтказишим олдидан эълон қилиб қўйилган экан. Ўша кун арафасида ичкетарга йўлиқдим. Эртасига ҳам давом этди. Таваккал қилиб, истироҳат боғига йўл олдим. Шахмат ишқибозлари доналарни шай қилган ҳолда мени кутиб туришарди. Сеансни бошладим. Бир соат ўтди, икки соат ўтди. Ҳатто касаллигим хаёлимга ҳам келмади. Оғриқ безовта қилмади. Сеанс 6 соатга чўзилди. Бирор марта ҳам шу орада ўйинни тарк этмадим. Ниҳоят сеанс тугади. Машинага ўтириб аранг уйимга етиб олдим. Касал яна хуруж қила бошлаган эди.

Бу ерда гап асосан шахматнинг инсон руҳиятига кўрсатадиган кучли таъсири тўғрисидадир.

Яна бир мисол.

Шахмат ўйинининг шундай бир хили борки, унда ўйновчи киши тахтадаги хона ва доналарни кўрмайди. Бундай ўйинда шахматчи бир неча соат давомида ўз тафаккури, диққат-эътиборини бир жойга тўплаб, ўткир хотираси билан ҳар қандай томошабинни ҳам лол қолдирган. Ўйин пайтида шахмат тахтаси ва доналаридан фойдаланмайдиган рақиб фақат ўз хотирасига таяниб иш кўради—юришларни аниқ тасаввур қилади, мураккаб ҳисобларни фикран юритади. 10 тахта ёнида ўтирган рақибининг ҳар бир юришига оғзаки, яъни шахмат алифбоси ёрдамида жавоб бериб туради.

Яхши хотира тахтага қарамай ўйнашнинг асоси ҳисобланса-да, лекин бу билангина иш битмайди. Хотирадан ташқари, шахматчи «жанг майдони»ни аниқ тасаввур эта билиши ва доналар ҳаракати туфайли тез ўзгариб турадиган «манзара»ларни ўз тафаккури билан изчил кузатиб бориши керак. Ғойибона ўйин ҳақидаги дастлабки маълумотлар VII асрга тааллуқли эканлиги назарда тутилса, бундай ўта мураккаб ақлий машғулот тарихи анча қадимийлиги маълум бўлади.

Ўрта Осиё шахмат рисоласини яратган. Темур даврида тенги бўлмаган шахматчи Али Шатранжий ҳам бир йўла тўртта тахтада қарамасдан ўйнай олган. Буюк Алишер Навоий қўлида хизмат қилган шоир ва олим Мавлоно Соҳиб жуда моҳир шатранжчи бўлган, у тахтага қарамай ҳам яхши ўйнай олган...

Машҳур америкалик Морфи 8 тахтада, рус шахматчиси Чигорин 10 тахтада, америкалик Пильсбери 25 тахтада, А. А. Алёхин 32 тахтада, аргентиналик Найдорф 1947 йили 45 тахтада ғойибона сеанс берган. Бу инсон руҳан нималарга қодир эканлигини кўрсатувчи қобилиятга қойил қолмаслик мумкин эмас.

1960 йилга келиб Найдорф рекордидан ҳам ўзиб кетилди: венгриялик мастер Янож Флеш Будапештда 52 тахтада кўрмай сеанс берди. У билан ўйнаганлар орасида мастерликка номзодлар, биринчи разрядли шахматчилар ҳам бўлганлигини, у шулардан 31 тасини ютиб, 18 таси билан дуранг қилиб, 3 тасигагина бой берганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Биринчи рус шахмат мастери А. Д. Ботрив 1958 йилда матбуотда эълон қилинган бир мақоласида бундай деб ёзган: «Тахтага қарамай шахмат ўйнашдан кўра, денгиз қаърига шўнғиб марварид топиб чиқиш осонроқ..»

Янош Флеш 25 яшарлигида оғир дардга чалинганлигини врачлардан аниқ билгач, шахматчасига: «имкониятлар қолмаган»га ўхшайди деб қўйди. Аммо у яшаш ҳақида ўйларди. Дардда бўш келмаслик йўлини тутган Янош ғойибона ўйин бобида рекорд қўйишга аҳд қилди. Лекин «бунга улгура олармиканман?» деб ҳам қўйди. Тайёргарлик кўришга икки йил кетган бўлса ҳам улгурди.

Орадан 14 йил ўтгач, шундай суҳбат бўлган эди:

— Янош, сеанс пайтида ўзингизда бирор ўзгариш сездингизми?

— Ҳеч нарса сезмадим, ўйладим холос. Ҳамма нарса ростмана бўлган шекилли, мени кузатиб турган врачларнинг авзойи бузилмади. Бундай сеанслар саломатлик учун хатарли эканини билардим.

Лекин врачларнинг қистови билан ҳамма эҳтиёт чораларини кўрдим. Хавфни писанд қилмадим. Ахир мени аллақачон «ўлимга бичиб» қўйишган эди-ку.

— Хўш, қандай қилиб касалдан қутилдингиз?

— Буниси сирлигича қолди. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, ўпкамда қандайдир ўзгаришлар рўй берганмиш, рентген сурати шишни кўрсатганмиш. Баъзи врачлар ўз-ўзидан тузалиб кетишимга миянинг ҳаддан ташқари зўр бериб ишлаши организмга таъсир кўрсатганлиги сабаб бўлиши ҳам мумкин,— дейишмоқда.

1974 йил охирларида Тошкентда ўтказилган аёллар Халқаро турнирида иштирок этган руминиялик 24 яшар Маргорий Мурошон шундай ҳикоя қилган эди:

— Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимда бетоб бўлиб қолдим. Ҳаёлим қочарди. Акамдан бирон китоб олиб келишни илтимос қилдим. Шахмат қўлланмасини келтирибди-ю, тахтаси йўқ. Қўлимда китоб холос. Фикран тасаввур қилишга ҳаракат қилдим. Назаримда оғриқларим ҳам қолаётгандай туюлди. Кўп ўтмай тузалиб кетдим.

...Икки йилдан кейин шахмат мастери бўлиб олдим. «Мени дарддан халос этган нарса шахмат» деб, унга бошқача меҳр қўйганман.

Кейинги пайтларда медицинада баъзи беморларни маълум вақт бутунлай ёки қисман оч қўйиш, гипноз қилиш, руҳий таъсир кўрсатиш йўли билан даволаш яхши натижалар бераётганини ёзишмоқда. Хўш, бу борада табобат аҳли шахмат ўйинини ҳам «муомалага киритса» қалай бўларкан-а?!

Бунда Алёхиндан ёки Флешдан нусха кўчириш шарт эмас. Гап меъёрини билишда қолган.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам, тарих фанлари номзоди.

САЛОМАТЛИК ИСТАБ

Қаршидаги 10-нон маҳсулотлари комбинати ходимлари учун профилакторий ишга туширилганидан кейин бу корхона ходимлари топшираётган касаллик варақалари анча камайди.

Мазкур профилакторийда процедура, жисмоний машқлар ёрдамида даволаш ва физиотерапия хоналари бор. Профилакторий кенгайтирилмоқда. Тез орада бу ерда игна билан даволаш ва даволаш массажи хоналари очилади. Даволанувчиларни шифокор-терапевтдан ташқари кардиолог, стоматолог, гинеколог ва педиатр қабул қилади.

«НИСТРУ»— «ПАХТАКОР»—2:3

Барибир футбол ўйинини ўз кўзинг билан кўрмаганингдан кейин у ҳақда батафсил ёзиш қийин. Начора, овозни-гор тўлқинларининг борлигига ҳам шукр. Шарҳловчилар ўзларининг ана шу миттигина репортажлари орқали бир гал неча миллионлаб мухлислар хонадонига қувонч улашсалар, бошқа гал эса...

Кечагина Кишинёв шаҳрида бўлиб ўтган «Пахтакор»нинг ўйинини ҳам барчамиз юрак ҳовучлаб кутган эдик. Иккинчи бўлим бошлангач, ҳисобни эшитиб кўнглимизга бир оз хавотир тушди. Хайрият, бош тренеримиз зудлик билан ўйинчиларни алмаштиргач, бирдан ўйин ўзгара бошлади. Тошкентдаги ўйинларда анча якkаланиб қолган Игорь Шквиринни бу гал командадошлари «тинч қўйишмади». Қолаверса, Оганесян, Қосимов ва Пятницкийлар ҳам бир-бирларини доим қўллаб-қувватлашди...

Биринчи бўлимда мезбонлар устма-уст икки марта Яновский қўриқлаётган дарвозани моҳирлик билан «ишғол» қилишди. Танаффусга бир дақиқа қолганида Пятницкий-Шквирин комбинацияси ниҳоят гол билан тугади. 2:1. (Эслатиб ўтамиз, бу тўп Игорнинг 22 тўпи!) Иккинчи бўлимда пахтакорчилар ташаббусни бутунлай қўлга олишди. Маҳорат билан уюштирилган кетма-кет ҳужумлар зое кетмади. 50 минутда Миржалол Қосимов «Нистру» командаси дарвозабонини доғда қолдирди. Ҳисоб тенглашди — 2:2.

Шундан сўнг кураш янада кучайди. Чунки кишинёвликлар ҳам анойи командалардан эмас-да! Биринчи давра гарчи «Нистру» командаси футболчилари учун муваффақиятсиз якунланган бўлса-да, иккинчи даврани улар анча дадил бошлашди. Сафарда икки марта ғалаба қозонишди. Аммо кимнинг ҳам ютқазгиси келади. Ўйин тугашига уч дақиқа қолганда ана шу биз юқорида тилга олган Оганесян — Қосимов — Шквирин — Пятницкий комбинацияси яна гол билан тугади — 2:3.

Бу гал биринчи лигада энг интизомли командалардан бири саналган «Пахтакор» ўйинчиларининг баъзилари жиддий хатоларга ҳам йўл қўйишди. Ана шу ўйинда иқтидорли ҳимоячимиз У. Рўзимовга мусобақа ҳаками сариқ карточка кўрсатди. Бу Улуғбекнинг кейинги ўйинлардаги иккинчи огоҳлантириш олиши...

«Пахтакор» навбатдаги ўйинни ҳам сафарда ўтказади. Ҳамюртларимиз олий лигага бериладиган учта йўлланманинг биттасига асосий даъвогар бўлиб турган командалардан бири бўлмиш Запорожьенинг «Металлург» командаси билан эртага учрашадилар.

Янги шеърлар

Момомнинг ўгитлари


Ниятинг ҳеч қачон сўнмасин.
Орзулар армонга дўнмасин.
Қасд қилган паст бўлсин илойим,
У дунё, бу дунё кулмасин.
Топганинг зарми ё ёлдирми,
Қулуним олгину, олдирма,
Халқингни унутма, жон болам.
Бахилга иморат солдирма.
Арғумоқ бўлсин-эй минганинг,
Кўрмасин ғанимлар куйганинг
Майдонда номардлик қилсанг гар,
Кечирмас ҳеч қачон суйганинг.
Худоё тинч турсин бу дунё,
Каттага инсофу ёшларга ҳаё.
Пок ният ҳаммага ёр бўлсин
Бегуноҳ кўрмасин ҳеч жафо.
Сирға қил сўзларим қулоққа,
Ҳақ ҳаққа чиқади, оқ — оққа.
Яшагин, сўндирма ишончинг,
Ут ёққин ҳар доим ўчоққа.

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА,
ТошДД талабаси.

Тош дил

Дунёнинг сеҳри кўп — тушунолмадим
Не гуноҳ қилибди севган одамзод?!
Ойлар ўтди сира тоқат қолмади,
Наҳот кўролмасам сизни умрбод?
Дилим номингизни ёдлаб толмади,
Неча бор тирилди қайтадан тоқат.
Ловиллаб ёндику теграмда дунё
Сизнинг тош дилингиз ёнмади фақат.


Манзура БЕКЧОНОВА,
ТошДД талабаси.



Чеҳрасидан нур ёғилиб турган бу қарияларга бир қаранг. Улар жамоа хўжалиги тузумининг фаоллари, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари. Бу кунги фаровон турмушимиз йўлида куч-қувватини, билимини ва умрларини сарфлаганлар. Шу кунга келиб кексалик гаштини сураётирлар. Улар энди бир пиёла чой устида бир умр ёш бўлиб кетган ўртоқларини, жанг майдонида қолган қуролдошларини хотирлайдилар, бу кунги ўзгаришлар ҳақида фикр алмашадилар.

СУРАТДА: Андижон вилояти, Ильич шаҳридаги янги ишга тушган «Нуронийлар» чойхонаси.

Б. ЮСУПОВ суратга олган.



Спасск минорасидаги соат қачон қурилган?

Москва Кремли миноралари ичида Спасск минораси энг чиройли эканлиги ҳаммага маълум. Шу минорага ўрнатилган соат ҳақида маълумот берсангиз.
Э. ЮСУПХОНОВ,
Шаҳрихон.

Ҳар куни роппа-роса ярим тунда сукунатга чўмган Москванинг Қизил майдони узра Кремль курантларининг қўнғироқлари биринчи бонг уради. Тинч, жарангдор садолар янги куннинг дастлабки дақиқаларини ўлчай бошлайди. Шу он бу жаранг-журунгни илғаб олган Бутуниттифоқ радиоси тўлқинлари уни мамлакатимизнинг турли чеккаларига ва ундан ташқарига таратади.

Курантлар Москва Кремлининг энг улуғвор иншооти — Спасск минорасида жойлашган. Минора шунингдек, Қизил Майдон орқали кириладиган дарвоза ҳам ҳисобланади. Худди шу ердан соқчилар шаҳдам қадам ташлаб, Совет Иттифоқининг 1-пости — В. И. Ленин мавзолейига йўл олишади.

Минорани 1491 йилда италиялик архитектор Пьетро Антонио Солари бунёд этган. XVII асрнинг биринчи ярмида эса у рус меъмори Бажен Огурцов ва инглиз устаси Христофор Галовей томонидан қайта қурилди. Головей 1625 йилда минорага курант ўрнатган. Соат қуёш чиққандан то ботгунига қадар вақт қанча бўлганлигини кўрсатган. Унда фақат циферблатнинг ўзи айланган. Вақтни қуёш нури белгилаган.

Давр ўша соат механизмларини бизгача сақлаб қололмади. Спасск минорасидаги курантлар бир неча марта алмаштирилди. Ҳозиргиси 1851—1852 йилларда ака-ука Н. ва П. Бутенопларлар томонидан эски деталлардан фойдаланиб ўрнатилган.

1917 йилнинг октябрида Қизил гвардия отрядлари билан Муваққат ҳукумат тарафдорлари ўртасидаги жанглар вақтида курант циферблатига снаряд тегди. Натижада бир қанча вақтгача пойтахт Спасск жаранг-журунгидан маҳрум бўлди.

1918 йилда Совет ҳукумати Москвага кўчиб ўтганидан сўнг соат В. И. Ленин кўрсатмасига мувофиқ уста Н. Берекс томонидан тикланди. Рассом ва мусиқачи М. Черемных эса чолғу механизми валига «Байналмилал» куйини терди. Кремль куранти янги вақтни ҳисоблай бошлади.

Спасск минорасидаги соат бинонинг тўрт қаватини (7-10-қаватларини) эгаллайди. Соат 160 килограммдан 224 килограммгача бўлган учта тош билан ҳаракатга келтирилади. Минора чодири остига жойлашган бонг уриш механизми ҳар чорак соатни қайд этувчи тўққизта 320 килограммли қўнғироқлардан ва тўла соатни бонг уриб қайд этувчи битта 2160 килограммли қўнғироқдан ташкил топган. Соатнинг умумий оғирлиги 25 тонна. Циферблат миноранинг тўрт томонига ўрнатилган бўлиб, диаметри 6,12 метрга тенг. Соатни кўрсатувчи милнинг узунлиги — 2,97 метр, минутни кўрсатувчи милнинг узунлиги эса — 3,28 метр.

Қўнғироқ — курантлар — XVII—XVIII аср бадиий металл қуйиш санъатининг ажойиб намунасидир. Улар қўнғироқ ясовчи турли усталар томонидан бунёд этилган.

Ҳозирги кунда Кремль курантлари Москванинг диққатга сазовор рамзигина бўлиб қолмай, у вақт ўлчови ҳамдир. Махсус ер ости кабели Спасск минорасини П. К. Штернберг номидаги Давлат астрономия институтининг назорат соати билан боғлайди. Уларнинг аниқ юришига кафолат беради.

Ёғ зарарлими?

Ёғли овқат одамнинг соғлиғига зарар деб кўп айтилади. Шундай бўлса уни истеъмолдан чиқариб ташланса яхши эмасми?
Л. МАҲМУДОВА,
тарбиячи.

Ёғлар—кучли қувватбахш маҳсулот бўлиб, улар организмда сарфланган иссиқликни сақлаб туради. Унинг таркибида А, Д, Е ва бошқа дармондорилар бор.

Баъзилар ёғни қанча кўп истеъмол қилса, организм шунча яхши ишлайди, моддалар алмашинуви юқори бўлади, деб нотўғри ўйлашади. Катта ёшдаги одамлар учун бир суткада ўртача 80-100. грамм ёғ етарлидир. Бунга кундалик овқатимизда бўлган ўсимлик мойлари ҳам киради.

Иложи борича кундалик овқатда, ёғ, мой, ёғли колбаса, маргаринга бой бўлган торт, шоколадлар бўлмагани яхши. Одам кўпроқ жисмоний ҳаракат қилса, организмда моддалар, жумладан ёғнинг ҳам алмашинуви яхши бўлади.

Бизга келувчилар ҳам борми?

«Мулоқот»нинг аввалги сонларидан бирида мамлакатимиздан чет элларга доимий яшаш учун жўнаб кетаётган кишилар ва уларнинг қанчалиги ҳақидаги маълумотни ўқиган эдик. Айтингчи, чет эллардан бизга доимий яшаш учун кўчиб келаётганлар ҳам борми? Бор бўлса улар кўпчиликни ташкил қиладими?
Қ. АННАМУРОДОВ,
Бухоро.

СССР Ички ишлар вазирлигининг 1989 йилги маълумотига қараганда ўтган йили СССРга икки мингга яқин киши доимий яшаш учун кўчиб келган бўлса, уларнинг 789 нафари ўз мамлакатимиз фуқароларидир.

Бундан ташқари, ўтган йили шахсий ишлар билан Совет Иттифоқига 859 минг чет эллик (уларнинг 96 фоизи социалистик мамлакатлардан) келиб яшаган.

Мамлакатимизга келган чет элликлар қариндош-уруғлари билан учрашишга 57 фоиз, дўстлари билан учрашишга 41 фоиз тўғри келса, фақат бир фоизгина оғир касалларни кўришга ва бошқа сабабларга кўра ташриф буюришган.

ТВ

25 АВГУСТ — ШАНБА

ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

10.00 «Боболар ери». Бадиий фильм («Қозоқфильм»). 11.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Пахтакор» — командаси меҳмонимиз. 12.40 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». Наманган вилояти ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг иш фаолиятидан. 13.15 ЎзТВ жавонидан. Х. Султонов. «Чангак». Видеофильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.

Қувноқ ўтсин таътиллар

18.05 «Ўзгача кўз билан». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Дилафруз Жабборова ҳиром этганда». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 20.15 «Оқшом эртаклари». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Оби шифо». Телефильм. 21.15 Қори Ёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 22.00 «Ҳафтанома. 22.40 Абдулла Қаҳҳор. «Пора». Ҳажвий новеллалар театри. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Сиз яратган боғ». 8.35 «Савағич». Мультфильм. 8.55 «Отрар-сази». Қозоқ фольклор-этнографик оркестрининг концерти. 9.40 «Китоблар ва тақдирлар». Р. Брэдбери. 10.25 «Партнер». Тижорат хабарномаси. 10.55 «Режиссёрлик санъати». Леонид Хейфец. 12.20 «Африка: 30 йилдан сўнг». 12.50 Болалар учун фильм. «Ёз хотираси». 1 ва 2-сериялар (Одесса киностудияси). 15.00 «Ҳайвонот оламида». 16.00 Сиёсий мулоқотлар. Донецк кўмир ҳавзаси шахтёрларининг муаммолари ҳақида. 16.30 «Ўсимликлар саргузаштлари». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 4-серия — «Ўта мураккаб шароитлар». 17.00 «Халқаро панорама». 17.45 Долзарб интервью. 17.55 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари. Йигирманчи аср бошланади». 1 ва 2-сериялар («Ленфильм»). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 СССР ҳукуматида. 21.10 «Бахтли тасодиф». Оилавий викторина. 22.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.45 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».

МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.50 «Ўрмондаги воқеа». Мультфильм. 8.00 М. Джавахишвили. «Беайб Абдулла». Телеспектакль (Боку). Премьера. 9.05 «Агар сиз...». 9.35 «ТВ TV ҳақида».

10.30 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23559.